

ҲАЛИМА МАЛИКОВА

ИККИ ҚАЛБ ҚИССАСИ

Kıssası



Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2007

84(5Y)6
M22

Маликова, Ҳалима.

Икки қалб қиссаси: Қисса. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 72 б.

Ушбу қисса инсон тақдири ҳақида, бир ота-онадан туғилған икки ака-уканинг мунгли тақдири, уларнинг бошидан кечирған саргузаштлари, ораларидаги муносабатлар, қолаверса, инсоний меҳр-муҳаббат, қадр-қиммат, юрт соғинчи, жўмардлик, севги, садоқат ҳақида. Муаллиф, қиссада ўз аксини топган воқеаларни ҳақиқатга йўяди. Қиссани ўқиб, Сиз ҳам унинг «ҳақиқат» эканлигига ишонасиз, деб умид қиласиз, азиз ўқувчи.

ББК 84 (5Y) 6

М **M 352 (04)-2007**
4702620201-92 қатъий буюртма, 2007

ISBN **978-9943-03-095-4**

© Ҳ.Маликова,
Faфур Fулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2007-й.



Сафаротада шов-шув: боломоноталик Жўра мерганлиқда ном чиқарибди эмишки, кўзгуга қараб орқасидаги алқорни нишонга олармиш. Бу миш-миш бирпасда қўшни қишлоқларга ҳам ёйилди.

Нима бўлди-ю, ана шу мерганинг оти йўқолди. Мерган отини излаб тоф ва қирлар ошиб Сафаротага келиб қолди. Тоғда гиёҳ териб юрган сарвқомат, қошу кўзи қоп-қора, соchlари толим қизга кўзи тушди-да, беихтиёр унга пешвоз юрди. Қиз йигитни кўрди, лекин кўзларини олиб қочди. Яқин атрофда қизнинг акаси Бобохол мол боқиб юрган эди, бегона йигитга кўзи тушиб, унга яқин келди ва:

— Кимсан, бу ерларда нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

Жўра, кимлигини ва йўқолган отини излаб юрганини айтди.

— Э-ҳа, сен ўша Жўра мерганмисан? Гапинг ростми, ишқилиб?

— Ишонмасанг, исбот қиласай.

— Қани, исботла бўлмаса! — Бобохол ишонқира-май мерганга анча нарида, тош устидаги қушларни кўрсатди.

Жўра мўлжал олди. Қушлар гур этиб ҳавога қўта-рилди, лекин бирори питирлаб қолди.

— Қойил! — ҳайратини яширмади Бобохол. — Ишондим, ҳақиқий мерган экансан. Энди бизникига юр, меҳмонимиз бўл.

Жўра шошиб турган бўлса-да, қизнинг уйини кўриш, акаси билан дўстлашиш илинжида Бобохолга эргашди. Улар сойга энганларида, Бобохол орқасига қараб:

— Ҳожарой, сен ҳам уйга қайтсанг бўларди, — деди.
Бу мерганга қизнинг исмини билиб олишга қўл келди.
«Исми Ҳожарой экан», деб бир энтикиб қўйди Жўра.

Бобохолларнинг уйи тоғ этагида, соя-салқин, дарахтлар билан ўралган. Айниқса, уйларини энлаб оқадиган сойнинг шовуллаши кўнгилни яйратади. Тепадан қараган кишига уйнинг томи кўринади, ёнлаб қарасангиз, фақат дараҳтзорни кўрасиз. Эртадан кечгача ҳовли саҳнига тангадай офтоб тушмайди. Ёзинг чилласида ҳам бу ҳовли салқин, қишида эса тоғ бўронларини қалин дараҳтлар тўсиб туради. Дараҳтларнинг аксарияти мевали. Шу боис хонадон дастурхони қишинг ёзин тансиқ меваларга тўла...

Ҳовлига кириб келишганда, эгар йўнаётган чол беихтиёр бошини кўтарди. Бобохол отаси — чолга меҳмон йигитни таништириди.

— Кимнинг улисан? — деб сўради чол Жўранинг саломига алик олиб.

— Мўмин мулланинг, — деди Жўра.

Чолнинг чехраси очилди.

— Э, ошнамнинг ули экансан-ку! Охирги пайтларда борди-келдимиз узилиб, юз кўрмас бўлиб кетдик. Қаричиликда, узоққа юролмаскансан киши. Олдинлари тез-тез кўришиб турардик.

Чол меҳмон йигит билан бағирлашиб кўришаркан, Ҳожарой бир қучоқ гиёҳ кўтариб ичкарига ўтиб кетди. Жўранинг кўзи ўгринча уни кузатиб қўйди.

— Эшитган чиқарсан, мени Мамаюсуф табиб, дейишиди, — деди чол меҳмонни ичкарига таклиф қиларкан, ўзи олдинга тушди. — Энди қаридик, одам кўролмайдиган бўлиб қолдим. Ота касби йўқолиб кетмасин, деб табибчиликни қизимга ўргатяпман. Умрини берсин, жуда зийрак чиқиб қолди. Тоғдан гиёҳ териб, ўзи малҳам тайёрлади. Сизларникуга кўп бораардим. Бир борганимда, ўспирин бола эдинг, мана энди биттабинойи йигит бўлибсан. Сен ҳақингда эшитганим бор.

Лекин ошнамнинг ули эканлигингни билмасдим. Умринг зиёда бўлсин!

Чол давра олиб ўтирганларида ҳам анча ҳангомаларни эслади. Мехмоннинг «қўйинг-қўйинг»ига қарамай, Бобохол ширвоз сўйиб, қозон осди. Ҳожарой уни тобида қовуриб дастурхонга қўйди. Гурунг яна анчагача давом этди. Охири Жўра мерган қайтишга изн сўради.

— Отимни излаб юриб эдим. Қоронги тушмай изимга қайтай деган эдим...

— Йўлингни берсин! — чол Жўрани узоқ алқади...

Қўлдош мерганинг ўғли Мўмин ота изини босмади. Қўлдош мерган ўғлини Самарқанддаги мадрасага олиб бораман деганида:

— Э-ҳе, Самарқанд қаёқда-ю Фориш қаёқда! Шунча узоқда ўқиши жоизмикан, — дегувчилар топилди. Лекин мерганинг ўжарлиги бор эди, хуржуннинг икки кўзини тоғ неъматларига тўлдириб, ўғлини қаватига олиб, «қайдасан Самарқанд» деб йўлга тушди.

Йўлда Ёдгор бўласининг уйига қўниб, саҳарлаб яна йўл танобини олди. Эртаси кечга яқин Самарқанд шаҳрига кириб келди. Дуч келган биринчи уйнинг эшигини қоқди, бир кечага жой сўради. Учинчи куни эрталаб мадрасага борди...

Ўғил тўрт йил мадраса остонасини ялади. Шу йиллар ичida Қўлдош мерган кўп бор ўғлидан хабар олиб, унга совға-салом олиб келиб турди. Мўмин мадрасани хатм қилиб, қишлоқقا қайтди ва ёш бўлса-да, тоғликлар орасида «Мўмин мулла» номини олди.

Мўмин ўғил кўрди. Қўлдош мерган неварасига Жўрабой исмини берди. Бола ақлини танибдики, бобосига меҳр қўйди. Онасига инжиқлик қилса-да, бобоси қучоғида ҳаловат топарди. Бундан бобонинг завқи тошарди ва неварасини қаёққа борса ўзи билан олиб юрар, бола ҳам шўхлик қилмай бобосига эргашарди. Жўрабой

мерганликни бобосидан ўрганди. Жўрабой «мерган» бўлиб танилганда бобонинг бўйи бир қаричга ўсди:

— Шукур, меҳнатим зое кетмади, ўлмайдиган бўлдим! — мақтаниб қўйди жўраларига...

Жўрабой уйга қайтгач, Ҳожарой ҳақида янгасига гап очди. Турган гапки, янгаси акасига айтди, акаси ота-онасига етказди. Отанинг кўнгли кўтарилиди. Ўғлининг қадрдан ошнасининг қизига кўнгил бергани табиий ҳол, отани хурсанд қилган эди-да. Бўлар ишни орқага сурibi ўтиришмади. Орадан ҳафта ўтмай, Мўмин мулла йўрға отнинг бошини ошнасиники томон бурди. Мамаюсуз табиб ошнасини кучоқ очиб кутиб олди.

Ош-овқатдан кейин «элчи» — Мўмин мулла қимтиниб:

— Қани, менга айт-чи, шу қизингни боши очиқми? — деб сўради табибдан. Табиб бошини соллантириб кулди ва:

— Хўп, очиқ бўлса, нима қиласардинг? — деб луқма ташлади.

— Келин қиласардим, — деди мулла дабдурустдан. Та-бибининг кўнглидан ҳам шу гап ўтиб турган эди, гапничувалаштириб ўтирмади...

Сафарота ва Боломонота қишлоғидаги тўйнинг овоздаси қўшни қишлоқларгача етиб борди. Жўрабой билан Ҳожарой бир ёстиққа бош қўйди. Орадан йиллар ўтиб, улар икки ўғилнинг ота-онаси бўлишди.

Жўра мерган ёзда Чадакдаги дала боғда турар, кунлар совигач Боломонотага кўчарди. Шундай кўчишларнинг бирида Мерган мол-ҳоллари, идиш-товоқларини катта ўғли Рўзибой билан олиб қайтди. Уларни кўйиб, энди аёли билан кичик ўглини олиб келишга кетди. Ёнида бодомчадан ясалган сўйил ва кўрпа-ёстиқларни боғлаш учун арқон бор эди. Тоғдан ўтаётганида унга бўри илашди.

Мерган арқонни ерга судраб кетаберди. Бўри арқондан ўтолмай тишларини фижирлатганича эргашаверди. Бўри оч, бундай пайтда бўрилар қочмайди. Мерган қадамини секинлатди, оч бўри унга яқинлашди. Асл мер-

ган ҳамиша имкон топади-да. У пайт пойлаб бўрининг пешанасини мўлжаллаб сўйил серпади. Бўри мувозанатини йўқотиб, пастга қулади.

Ҳаво тўсатдан совиди. Ҳадемай қор ёғиб, довондан ўтиш қийинлашади. Тезроқ ҳаракат қилиш керак. Боломонота билан Чадак ораси яёв юрганда икки соатлик йўл. Кўч-кўрон билан бир оз оғир кечиши табиий. Мерган таваккал йўлга чиқди. Чамаси йўлнинг ярмида бўрон бошланди. Совуқ юзларни чимчилаб, вужудларни аёвсиз исканжага олди. Текисликда ҳаво айниб, ёғингарчилик бошлангунча икки соат вақт ўтди. Осмон бир зумда қоп-қора булувлар билан қопланди. Кор қалинлашган сари юриш қийинлашди. Атроф зим-зиё. Йўловчилар қаёққа боришаётганини билишмайди. Улар адашишди. Орқага қайтишнинг иложи йўқ, йўлнинг ярми босиб ўтилган. Кичкина Ниёзбекни йўтал тутди. Ҳожарой бўрондан пана жойга кигиз тўшади. Устидан уч-тўрт қават кўрпа, орасига боласини ётқизди. Кўрпа устидан гилам ёпиб, қор билан бостириди, сўнг ўзи ҳам боласи ёнига кириб ётди.

Мерган ёлғиз йўлни давом эттириди. Жуда бўлмаса яқинроқ бирор уйга етиб олишни мўлжаллади. У чамаси анча йўл босди ва бир вақтлар одам яшаган, ҳозир бузилиб чордевори қолган харобадан чиқиб қолди. Шу харобадан қарама-қарши томонга озгина юрса, жиянининг уйи бўлиши керак. У мўлжални тўғри олган экан, олдиндан пастаккина уй чиқди. Эшикни очган уй бекаси «тоғажон»лаб қолди.

Ташқариди шамол увиллар, бўроннинг кучи гўё уй томини кўчиргудай. Мерган чўғ солинган сандалга суқилиб, босиб-босиб иссиқ чой ичди, кейин воқеани сўзлаб берди.

— Бундай бўронда уларни олиб келиш хавфли. Бўрон тингач топиб оламиз, — деди куёв. Жиян сариёққа қориб атала пиширди ва уни кадига солиб ўрагунча бўрон тинди. Тонг ота бошлади. Тонг фира-ширасида Ҳожарой билан Ниёзбекни топиб олишди...

Бу воқеа уларнинг ёдида узоқ вақт қолди. Орадан ийиллар ўтди. Жўра мерганинг қўй-қўзилари кўпайиб, мол-давлати зиёда бўлди. Катта ўғли Рўзибойни ўз қишилогилик Раҳмонбердининг қизига уйлантириди. Кичик ўғли Ниёзбек ўспирин ёшига етиб, ақлли ўқтамлашди...

Ниёзбек бомдодни ўқиб бўлгач, эндиғина ором ола-ётган аёлига меҳр билан боқди.

— Туни билан Бектош иситмалаб ухлатмади. Тонгда ухлаб қолибди, бояқиш.

Ниёзбек она-болани уйготиб юбормаслик учун ўрнидан оҳиста қўзгалди.

Ўзи Бектошнинг туғилиши анча ташвиш келтириди. Ниёзбек билан Шарофат турмуш куришгандан етти йил ўтиб иккита қиз кўришди. Учинчи фартзанд — Бектошга ҳомиладорлик оғир кечди. Она мой ҳидига кўнгли бехузур бўлар, уйларida пиширилган ёғли овқатларни деярли еўлмасди. Қўшни ўчоқда қозон осилганини кўрса кўнгли суст кетиб, қараб қоларди.

Бир куни Шарофат бир коса мой билан қўшниси-никига чиқди.

— Ҳа, келинжон, нима кўтариб юрибсиз? — деди қўшни аёл.

— Ўзим пиширган овқатни еўлмаяпман. Сизни овқат пишираётганингизни кўриб, шундан ичай деб чиқувдим, — деди Шарофат истиҳола билан қўлидаги мойни қўшни аёлга узатиб.

— Вой, ўргилай келинжонимдан, жерикмисан, дейман? Ҳозир яхши кўрган овқатингни пишириб бераман, — деб аёл Шарофатни хижолатпазлиқдан қутқариш учун уни алқади. — Ҳозир овқат эмас, кир ювиш учун сув иситаётган эдим.

Шарофат бўшашиб қолди, кўзларида ёш милтиллади. Хижолат тортиб уйига қайтди. Қўшни бир оздан сўнг бир товоқ овқат кўтариб чиқди. Шарофат гўё бир йилдан бўён тузукроқ овқат емагандек товоқقا ёпишди.

— Тавба, шунақасиям бўларканда, — деди Шарофат ажабланиб. — Иккала қизимда жерик нима, кўнгил

айниши нима, билмабман. Буниси нима бало бўлди, жудаям қийнаб юборди-ку!

Шунда қайнанаси:

— Ҳай, болам, ҳали дунёга келмаган гўдакни «бало» демагин-а! — деди. — Зарда бўлсанг, демак, болангни сочи қуюқ бўларкан. Оз қолди, қутилиб олсанг кўрмагандай бўласан. Ҳеч қачон ношукурчилик қилма!..

Туғишида доянинг ҳам эсхонасини чиқариб юборди. Бутун қишлоқ аёлларига бир ўзи доялик қилган Ҳадича кампир «эплай олмаяпман», деб қаватига бақувват аёлни чақиртириди. Иккаласи Шарофатни кўрпага ўраб, у ёқдан-бу ёққа думалатишди. Икки кеча-кундуз дард чеккан аёл батамом ҳолсизланди. Доялар шошди, Ниёзбекнинг олдидан ўтишди. Ҳавотирга тушган қайната қўчқорни жонлиққа, деб қон чиқазди. Киндигига ўрагиб туғилганигами ёки ҳаяллаб туғилганигами, чақалоқ йиғламади, бутун бадани кўкариб кетди.

Ҳадича кампир ўттиз йилдан буён доялик қилар, тажрибаси катта эди. У гўдакни киндигини кесмай, ўзига сидирганди, бола пиқиллаб овоз чиқарди, сўнг йиғлаб юборди. Боланинг юзига ранг юургач, доянинг кўнгли тинчиди.

Янги чақалоққа Бектош исмини беришди. У касалманд, инжиқ бўлиб ўсади. Тўртга кирганида она яна ҳомиладор бўлди. Бу сафар ҳомиладорлик осон кечди, қийналмади. Ёз куни, супада жой қилиб ётишаркан, Ниёзбек кўқдаги юлдузларга термилиб:

— Онаси, хув, ярқираган юлдуз меники, сен ҳам ўзингга юлдуз танлагин, — деди.

— Ҳадемай тўрт боланинг отаси бўласиз-у, худди ёш болаларга ўхшайсиз-а, — деди аёли.

— Нима, отам бор, отамнинг отаси бор, демакки, мен уларнинг олдиди ёш боламан-да, — деди Ниёзбек кулиб.

Шу пайт Бектош йиғлаб қолди. Ота болани бағрига босди. Ниёзбек қизларини бирор марта қўлига олмаган. Ота-онаси бор эрлар биринчи, баъзилари умуман бо-

лаларини күтаришмайды. Одат шу, эр ота-онаси ёки ёши улуғлар олдида фарзандини қўлига олмайди.

Шарофат туш кўрди: осмондаги тўлин ой унинг қўйнига кирган эмиш. Чўчиб уйғонди-ю, у ёқ-бу ёғини сийпалади. Қўлига ҳеч нарса илинмагач, осмонга юзланди. Осмонда юлдузлар жилваланиб турарди. У ёнбосига қаради, эри ҳам, ўғли Бектош ҳам ухлаб ётишибди. Тоғ табиати қизик, айни ёз чилласида ҳам кечалари салқин, ҳур-ҳур шабада этни жунжиктиради. Шарофат эри билан ўелининг устига кўрпа тортиб, ўзи ҳам уй-қуга кетди...

Шарофат сигирни соғиб, ширчой тайёрлаш учун ялпиз томирини оламан, деб ариқ бўйига борди. Чўп билан ковлаб ялпизнинг ажриқсимон томирларини олиб, сувга чайди, сўнг уни қозонга солиб қайнатди. Атрофга хушбўй ҳид таралди. Бир пиёлача сув қолганда қозонга икки коса сут қўйди. Ширчой қайнагунча ко-саларга нон тўғраб сарёғ солди.

Ширчой дастурхонга тортилганда, қўшни ҳовлидан аёл кишининг қарфиши эшитилди:

– Ҳэ, оғзингдан қонинг келсин, сен молга келган мол оёқни, келинни оёғидан деганлар, сен келгандан бери иккита молим ҳаром ўлди!

Қўшни кампирнинг қарфишига келиннинг жавоби янгради. Лекин «жавоб» унсиз эди.

– Ҳа, молга келган мол оёқ бўлмай, нимасан?! Молим бор учун сени келин қилганман. Молим бўлмаса, есир хотиндай етаклаб келаверармидик!

– Бугун ҳам жанжал. Туф-туф-е, кўз тегмасин, мен қайнанам билан ҳеч айтишмаганман, – деди Шарофат.

– Ҳа, бу онамнинг яхшилигидан, бўлмаса сизлар ҳам ит-мушук бўлиб юардинглар, – деди Ниёзбек мийифида кулиб.

– Ҳеч-да, келин бўлиб бирор марта қайнанамга гап қайтармаганман. Ҳамма айтганларини жим эшитганман, – қўшиб қўйди Шарофат.

— Шунинг учун сени яхши кўраман-да, — ҳазил қилди Ниёзбек.

Шу куни Ниёзбекнига меҳмон ёпирилди. Қайна-та-қайнанаалар келишди. Устига-устак қўшни қишлоқлик Аҳмад ўжар деган амакилари ҳам келди. У киши ўжар деганича бор эди, тутган жойидан кесадиганлардан. Гурунг устида беш ёшга тўлган Бектош пайдо бўлди. Аҳмад ўжар уни даст кўтариб эркалади ва:

— Мендек ували-жували, ўжар бўлгин, — деб оғзига туфлади. Форишда шундай одат борки, гўдакнинг оғзига ким биринчи бўлиб туфласа, шу гўдакнинг хулқ-автори ўша одамникideк бўлар эмиш. Шарофат бу тилакка дарров кашталик бир белбоғни олиб чиқиб:

— Илоҳим шу ўглим сизнинг ёшингизга етсин. Сиздай соғлом бўлсин! — деб амакининг олдига қўйди. Ўжарнинг тиласи Ҳожарбибига мъйкул тушмади.

— Майли, умри ўхшаса-да, феъли ўхшамасин, — деди у ва қўшиб қўйди: — Қишлоқда урушмаган одамнингиз қолмаган бўлса керак?

— Ҳа, энди қўяверинг, — деди Аҳмад ўжар тиржайиб...

Меҳмонлар кетгандан кейин ҳам эр-хотин ўртасида Аҳмад ўжарнинг гапи давом этди.

— Ойим тўғри айтдилар, ўғлимиз ўжар бўлиб ўссачи? — деди Шарофат.

— Қўявер, онаси, Аҳмаднинг ёшига етиб, ўзидан кўпайиб юрсин. Йигит деганнинг озроқ ўжар бўлгани ҳам яхши, лаллайгандан кўра, — деди Ниёзбек.

— Ўша Аҳмад ака ёшлигида ўгрилик ҳам қилган, деб эшитганман, ростми шу?

— Рост, ўгрибоши бўлган. Лекин мард бўлган. Бир аёл сабаб ўгриликтан қўлинни ювган.

— Ўгрининг ҳам марди бўларканми?

— Ишонмайсанми, эшит бўлмаса, — ҳикоясини бошлади Ниёзбек. — Кеч куз, дараҳт барглари сарғай-ган, ҳаво анча салқинлашган. Тун. Эл ширин уйқуда. Ўгрилар қопларидан болта, теша олиб ишга тушишади.

Ана-мана дегунча девор тагидан тандирнинг оғзидек лаҳим очилади. Ўғрилардан бири ўша лаҳимдан бошини чиқарганда, ҳовлидаги ит унга ташланади. Ўғрилар вазиятни олдиндан билгандай лаҳим оғзига қопни тутиб туришади. Ит ўзини лаҳимга урганда, ўғрилар чаққонлик билан унинг бошини қопга ўраб олишади. Хавф бартараф бўлгач, эҳтиёткорлик билан лаҳимдан чиқиб, уйга киришади. Уй эгасининг бадавлатлиги ҳовли деворидан маълум эди. Бу қишлоқнинг кўзга кўринган бойи – Муробидхўжанинг ҳовлиси эди. Бой бир йил олдин бандаликни бажо келтирган, ҳовли тўққиз ёшли ёлғиз ўғилча билан Гулнорбону исмли хотинининг ихтиёрида қолган. Гулнорбону бу вақтда ўғлини ухлатиб, ўзи чироқ шуъласида кашта тикиш баробаринда фамли қўшиқни хиргойи қиласади.

Эшик тўсатдан очилади-ю, аёл сесканиб кетади. Унинг рўпарасида юзига ниқоб тортилган уч киши турарди. Аёлнинг ичида ваҳима бўлса-да, пинагини бузмай каштасини тикаверади. Бақирмайди. Бақирса, ўзи ҳам, ўғли ҳам пичноқ дамида учади. Шунинг учун ўзини қўлга олиб, ишини давом эттиради. Бундан фойдаланган ўғрилар уйдаги кийим-кечакларни, сандиқдаги нарсаларни тугунлаб чиқиб кетишаркан, талончиларнинг бири деворга илинган этикка қўл чўзади ва шу пайт аёл ўрнидан сакраб туради.

– Эй, ноинсофлар! Ўғри мард келади, дегувчи эди. Шунча нарсани олдиларинг, аёл бошим билан бир нима демадим. Эримдан қолган ёлғиз хотира – этикка ҳам кўз олайтирдингларми? Мард бўлсаларинг, этикни жойига илиб, чиқиб кетларинг! Мабодо этик керак бўлса, аввал мени ўлдиринглар, сўнг уни олакетинглар! – дейди Гулнорбону.

Босқинчилар аёлнинг мардлиги, шижаоти ва вафодорлигига тан бериб, бу уйдан қуруқ чиқиб кетишади. Ана шу тўданинг бошлиғи Аҳмад ўжар бўлган. Шу воқеа сабаб у тўғри йўлга кирган экан...

Ниёзбек косибчилик қиласы. Унинг иш юритадиган ҳужраси кичкина бўлиб, ерга кийгиз тўшалган, чеккароқда қалин пўстак, девордаги бир неча ёғоч қозикларда жуфт-жуфт махсилар илинган, хонага кирган кишининг димогига тери ҳиди гуп этиб уриларди. Ниёзбек бу ҳидга кўнишиб қолган эди. Отаси Жўра мерган ҳам косибчилик қиласы. Бу ишни у кексайганда ихтиёр этди ва ўғлини ҳам шунга ўргатди.

Ниёзбек бомдодни ўқиб, хотинига тайинлади:

— Пирхонага етти чўзма пиширинглар, умидворларга, — деди. У иш ҳужрасини «пирхона» дерди.

— Ширчой тайёр, келинг, — деди Шарофат. Ниёзбек ўтирди ва отасининг олдидаги ширчой тўла косага пичноқ билан нон тўғраётганини зимдан кузатди, ўзи ҳам ширчойга қўл чўзди.

— Ўғлим, — деди Жўра бобо пахтадек илвираган нонни оғзига соларкан, — бугун ё эртага Эшон бобомлар келар эмиш, айттириб юборибдилар. Биласан, биринчи бўлиб бизникига қўнишади. Шунинг учун дурустроқ совлиқ ажратиб қўй, — дея тайинлади.

— Хўп бўлади, ота, — деди Ниёзбек.

Айтилгандек, тушдан кейин икки муриди билан Эшон бобо хонадонга кириб келди. Меҳмоннинг даргини эшитган қариндош-урув, қўни-қўшни Ниёзбекникига йигилишиди. Қўй сўйилиб, қозон осилди. Зиёфат қуюқ бўлди. Ошхонада сув тугаб, Шарофат ҳовуз томон юриб, тўхтаб қолди. Кечаси ҳовуз атрофида жинлар базм қиласмиш, парилар сочини ювармиш, деб эшитгани учун ҳам тўхтаб қолди. Орқага қайтмоқчи бўлди-ю, «ахир Эшон бобо учун сув олайпман-ку, пирлари зарар етказмас», деган ўй билан илдам юрди. Кечаси ой нурида ҳовуздаги сув қорайиб кўринади. У бу ҳолни қўриб, сесканди, қўлидаги пақирни ҳовузга ботирар экан, сувдаги ўз аксини қўриб, «паримикин» деб қўрқди. Кўрқа-писа қуйидаги байтни такрорлади:

Сувга келдим, Сулаймон,
Сиздан мадад тилайман.
Үйимга эшоним келди,
Таҳоратта сув тилайман.

У хазонларни ғижирлатиб босаркан, назарида орқасидан паримомо келаётгандек, қадамини тезлатди. Шарофат оғироёқ ҳолида бир ўзи сувга борганига «Эшон бобо учун бордим, ўзи қўллади, зора қийналмай осон қутулсам», деб ният қилди.

Гурунг яrim кечасигача давом этди. Кимdir Эшон бободан сўраб қолди:

— Кўз текканда нима қилиш керак? Кўз тегмаслик учун-чи?

Эшон бобо бир оз ўйланиб турди-да:

— Мен бир воқеани айтиб бераман, — деди. — Бир қишлоқда кўзи ўткир одам яшаган экан. У бирор ўсимлиkkами, одамгами, ҳайвонгами «мунча зўр экан», деб тикилса, ўша нарсага зиён тегаркан. Бир қуни у чой ичиб ўтирганда кўчадан семиз от минган ҳамқишлоғи ўтибди. «Бай-бай, оти зап етилибдими», деб бир тикилибди ва орадан бир оз фурсат ўтгач, кўлига пул берриб, отлиқнинг уйига ўғлини жўнатибди.

— Ўғлим, фалончининг уйига бориб икки кило от гўштидан олиб кел!

Ҳеч гапдан хабарсиз ўғил ўша отлиқнинг уйига бориб, қуруқ қайтибди. Шунда отаси ажабланиб:

— Оббо, бачағар-ей, отигами, ўзигами седана қадаган экан-да, — деган экан... Бундан ўзларингиз хulosати чиқарип олаверасизлар...

Жўра бобоникидан деярли меҳмон аримасди. Ниёзбек хизматда бўлар, меҳмонларнинг суҳбатига қулоқ тутарди. Шундай суҳбатларнинг бири Сафаротадагиларнинг келиб чиқиши ҳақида бўлди.

— Бунинг тарихи узун, — дея салмоқлаб гап бошлиди саксонни қоралаган Фани бобо. — Бундан уч юз

йилларчами илгари Хоразм томондаги бир қишлоқдағи одамларни қыргын-барот, хотин-халаж ва қызларни эса банди қилишган. Омон қолган ўттиз чоғли хонадон күч-күрөни билан қишлоқдан чиқиб кетган ва қаерни лозим топишса, ўша жойда яшашган. Уларни қувишса, бошқа ердан макон топишган. Шу-шу, уч йил деганда шу ерлардан қүним топишган. Лекин ота маконларидан умид узишмаган. Ҳар йили икки-уч йигитни хабар олгани ота маконлари – Хоразм ерига юборишиб туришган. Йиллар ўтиб, ерларни босиб олган хон барҳам топган, одил хон тахтга ўтирганини эшитиб, булар ҳам юртларига қайтмоқ ниятида йўлга тушишади. Тоғдан ошаётганларида от устидаги юклар ичидан элак тушади. Кимdir уни таяга юклайди. Атайлаб қылгандай тая мункиб кетади-да, оёфи синади. «Тая элакка қолганда оқсайди», дегани шундан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. – Фани бобо томогини ҳўллаб олгач, ҳикоясини давом эттириди: – Тая лат егач, устидаги нарсалар олинади. Бошқалар йўлни давом эттиришса-да, лат еган таянинг эгаси Курбонбой иложсиз қолади. Унинг икки боласи ва хотини ҳам бор эди. Жигарини ташлаб кетишга кўзи қиймаган Курбонбойнинг амакиси Ҳайитбой ҳам оиласи билан шу ерда қолади. Ҳайитбойнинг қарамоғида олти киши: аёли, икки ўғли, келини ва бир қизи бор эди. Улар таянинг оёфи тузалгач йўлга тушишмоқчи эди. Афсуски, тая тузалгунча тоғга совуқ тушади. Совуқда таянинг синган оёфи тузалиш ўрнига баттар бўлади ва уни сўйишдан бошқа чора қолмайди. Тая гўшти тузланади.

– Бор-йўғи икки оила бўлсак, гўшт кўп, ҳидланиб қолмаса эди, – деб хавотирланишади. Лекин тоғнинг ҳавоси туфайли гўшт майиздек қурийди. Бу мўъжизани кўриб:

– Бу ернинг ҳавоси шифобаҳш экан, – дейди Курбонбой ва эркаклар тошдан уй қуришга киришади, аёллар қишига деб ўтин фамлайди. Шундай қилиб, икки оила шу ерда қолишади. Йиллар ўтиб ўғил-қизлари вояга етади, уларни бир-бирига никоҳлаб қўйишади ва

кейинчалик қүшни қишлоқлардан келин олиб, қиз беріб, катта қишлоққа айланишади...

Бир куни Курбонбой билан Ҳайитбой ўзаро дардлашади:

— Ёшимиз бир жойга борди, ўзимиз ҳам, болаларымиз ҳам бу ерга ўтириб қолдик. Энди элимизга кетсак бўлармиди, — дейди Курбонбой ва маслаҳатни қилиб, икки йигитни Хоразм элига юборишади.

— Хабар олиб келинглар-чи, элимиз тинч эканми? Тинч бўлса, қўчиб борайлик...

Икки йигит «Хоразм қаёқдасан», деб йўлга тушади ва икки ой деганда Хоразмга боришади. Таниганлар уларни кўриб хурсанд бўлади. Навбати билан меҳмон қилишади. Меҳмондорчилик кунларида йигитлардан бири ташқарига чиқади-ю, шу хонадон қўшниларининг гурунгини эшитиб қолади.

— Қўшникига келган меҳмонлар ким? — деб сўрайди бири иккинчисидан.

— Келгиндилар-да, — дейди иккинчиси.

— Келгинди дегани нимаси, тушунтириб гапирсанг-чи?

— Аллақайси тоғдан келган келгиндилар-да.

Уларнинг гапини эшитган йигит ўзича «бу ердагилар учун биз келгинди эканмиз-да», деб ўйлайди ва эртасига қайтиш тарафдудига тушишади.

— Қоламиз деган эдиларинг-ку, нега тез қайтаяпсизлар? — деганларга:

— Ҳадемай совуқ тушади, кун яхшилигига уйимизга етиб олсак, — дея узр-маъзур қилишади. Шу-шу, улар ҳозирги Сафарота қишлоғида абадий қўним топишади. Ана шунақа гаплар, — дея Fани бобо ҳикоясига яқун ясаркан, бир сўлиш олиб қўшимча қилди: — Сафароталикларнинг асл авлоди Хоразмдан тарқаган, деган гапларда жон бор...

* * *

Рўзибой эрталаб молларга ўт солиш учун оғилхонага кириб ҳанг-манг бўлиб қолди. Эт битиб қолган новвос жойида йўқ. У из олиб ҳовлига, ҳовлидан кўчага

чиқди. Из кенг далага томон кетган. Уйи қишлоқ чекка-сида бўлгани учун нарида бошқа уй йўқ. Чакирсанг то-вуш етадиган жойда қўшни қишлоқ. Эҳтимол, новвос қўшни қишлоқقا кетгандир? Рўзибой уйга кириб ис-сиқроқ кийиниб чиқди. Қишлоқ яқин бўлса-да, совуқ забтига оларди. Рўзибой биринчи уйнинг эшигини қоқди. Уй эгаси Ўроқбой бир оз саросимага тушди.

— Ўроқбой иним, новвосимиз йўқолиб қолди. Мабодо даладаги молларингизга қўшилиб сизникига ке-либ қолмаганмикин, деб келган жойим, — деди Рўзи-бой минг истиҳола билан.

— Йўқ, кечқурун молларни ўзим оғилга олиб кир-дим. Уларнинг орасида бегона мол йўқ эди.

— Новвоснинг изини олиб келдим, ўзимча келга-ним йўқ, — деди Ниёзбек. — Балки сезмай қолгандир-сиз, оғилингизга бир қарайлик.

Рўзибой ичкарига бир-икки қадам қўйгач, Ўроқбой унинг йўлини тўсади.

— Кўрмайсан, молингни бошқа жойдан изла! — жер-киб берди у.

— Гапинг рост бўлса, нега ичкарига қўймайсан? — бўш келмади Рўзибой.

Бу машмашанинг устига қўшнилар чиқиб қолди. Ўроқбой довдидари.

— Майли, кириб кўринглар, — деди. Кириб кўришса, оғилда бир сигир ва иккита ҳўқиз турибди. Кирганлар қон ва гўшт ҳидини олишди. Молхона тўрида янги тупроқ ёйилган. Рўзибой кетмон билан ўша жойни ков-лай бошлаганда, Ўроқбой типирчилаб қолди.

— Нега молхонани ковляяпсан? — дея кетмонга ёпишиди.

Бу вақтда бир-икки қарич кетмон ботган ердан қон аралаш лой чиқди.

— Хўш, бу нима? Бу ерда мол сўйилган, қон ҳиди анқияпти!

Ўроқбой: «Икки кун олдин ўзимнинг молимни сўйиган эдим», дея баҳона қилмоқчи эди, икки қўшни-сидан уялди ва ноилож тақдирга тан берди.

— Кечиринглар, гумроҳлик қилдим, ўша молингиз ўрнига иккита новвосимни олиб кетинг! Фақат шарманда қилманг! — Рўзибойнинг этагига ёпишди Ўроқбой.

— Биттаси ҳам етади, — деди Рўзибой паст кетмай. — Молимнинг ўрнига ўрин бўлса бўлди...

Илонни иккига бўлиб юборсангиз ҳам қимирилаб кетаверади. Ўроқбой ҳам шунаقا хилидан эди. У ичидা: «Сеними, шарманда қилганинг учун ўчимни олмасамми!» деб қўйди. Чунки Рўзибой индамай кетса-да, бу воқеадан икки қўшниси хабардор бўлди, энди бутун қишлоқ билади. Илгари шубҳа остида эди, гувоҳлари бўлмагач, тутиб олишолмасди, энди-чи, сири фош бўлди. Шу пайтгача йўқолган молларнинг гумонига қолди.

Ўроқбой ўз қилмишидан қишлоқда бош кўтаролмай қолди. Бунинг учун Рўзибойдан ўч олиш пайига тушди ва қорбўрон кунларнинг бирида Рўзибойнинг оғилига кириб, сигир ва бузоқчасининг қорнига бир неча бор пичноқ санчиб, қўздан фойиб бўлмоқчи бўлди. У қор изимни ёпди деб ўйлаган эди, лекин оғилдан чиқса, қор тинган. У довдираб қолмади ва икки юз-уч юз қадамча йўлни тескари босиб ўтди...

Рўзибой бу сафар тамоман анқайди. Икки қорамол узала тушиб, ўлиб ётибди. Кун ёришгач, қўни-қўшни ю оғайнилар келишди. Турли тахминлар ўртага ташланди. Қордаги изга қараб:

— Тўхтанглар! — деди қишлоқ оқсоқоли Фулом ота. — Ҳеч ким бу ерга келмаган, аксинча, кимдир бу ердан чиқиб кетган.

— Тўғри, кимдир нариги томондан келган, — чувиллашди йифилганлар.

— Гап бундай, — деди Фулом ота, — изга яхшилаб эътибор беринглар. Биттанг дала томонга бироз юргин. — Кимдир дала томонга йигирма қадамча, кейин бир-икки қадам ёнга, сўнг орқачасига юриб ўтган масофасини босиб келди. Шундан кейин Фулом ота ҳаммани изга қаратди. — Изга қаранглар, Содиқ олдинга қараб юргандага оёқ учи томондаги қор олдинга, орқага юргандага

қор товон томонга тушган. Энди анави изга қаранглар, товон томонга қор тушган ва босилган из ҳам товон томон эзилган. Демак, кимдир орқаси билан юриб кетган.

Оқсоқолнинг гапидан кейин Рўзибой икки норгул йигитни қаватига олиб, сохта изни мўлжаллаб йўлга тушди. Из Ўроқнинг эшигига барҳам топди. Демак, айбдор топилди.

Эшиги олдидаги фала-ғовурни эшитган Ўроқнинг ичига олов тушди. Кийиниб орқа эшикчадан чиқиб кетаркан, хотинига, сўраганларга «уйда йўқ эдилар, дегин», деб тайинлади.

Келганлар аёлнинг гапига ишонмай ичкарига кириши ва орқа эшикчанинг очиқлигини кўриб, Ўроқнинг қочганини билишди. Унинг орқасидан қувишининг фойдаси йўқлигини фаҳмлаб, қишлоқ оқсоқолини чақиришди.

Оқсоқол воқеадан хабардор бўлиб, кўшни қишлоқда яшайдиган Ўроқнинг икки укасига одам юборди, уларни чақиритириб олди ва бўлиб ўтган воқеани уларга баён этди. Икки ука елка қисди:

— Бизнинг айбимиз нима? Жиноятни биз қилмаганмиз-ку, — дейишди. — Жиноятни акамиз қилибдими, жавобини ҳам ўзи берсин!

Оқсоқол салмоқтаб гап бошлади:

— Тўғри, айбни акаларинг қилган. Биз аканинг айбини укага солмоқчи эмасмиз. Гуноҳкор қилғилигини қилиб қочиб кетди. Энди уятдан юзи куйиб, бу яқин орада қорасини кўрсатмаса керак. Лекин бу жабрдийдаларга ҳам қийин. Қарасак, Ўроқбойнинг оғилида бир сигир ва бундайроқ ҳўқизчаси бор экан. Шу икки совлиқни мана буларга бериб юбортираильик, десак, янгаларинг ёш болалари билан нима қилади? Сизлар ҳар ҳолда ўзларингга тўқизилар. Хўп десаларинг, ҳар биринг биттадан мол берсанг, ўртадаги дилсиёҳлик ўз-ўзидан барҳам топарди.

Икки уканинг капалаги учди:

— Бизларнинг ҳам бола-чақамиз бор, — деди иккаласи бараварига. — Ана, акамизнинг оғилидаги молларини олиб кетаверинглар, жон халос!

— Йўқ, соҳибсиз хонадондан мол олиб кетмайман, — деди Рўзибой қўл силтаб. — Лекин мен бир нарсанинг гувоҳи бўлдим: сен ака-укаларнинг бир-бирингга ҳамиятинг йўқ экан. Мен ўша молимдан кечдим, ҳайф сендей укаларга!

Рўзибой этагини қоқиб, ҳовлидан чиқиб кетди.

У уйига кириб келганда, укаси Ниёзбек бошчили-

гида пичоқланган молларнинг терисини шилиб, гўштини нимтаб, қўшиларга тарқатиб бўлишибди.

Ҳамма чоп-чоп қилиб юрганда, у ёқда Шарофатни тўлғоқ тутди. Доя етиб келгунча унинг кўзи ёриди. Доя боланинг киндигини кесиб, ўраб-чирмаб онанинг қўлига берди. Хотини туганидан бехабар Ниёзбек уйига борди-ю, дояга рўбарў бўлди.

— Чирофим, отчопар қутли бўлсин, — деди доя Ниёзбекни муборакбод этиб (Форишликларда оиласада ўғил туғилса «отчопар», қиз туғилса «отбойлар» дейишиди). Ниёзбек ҳовлиқди:

— Холажон, хотинимнинг кўзи ёридими?

— Шундай чирофим, омон-эсон қутилиб олди, кириб кўр.

Ниёзбек апил-тапил ичкарига кирди. Доя кетма-кет исириқ тутатиб, кейин аталага уннади. Онага аталани ичириб бўлгач, доя ўрнидан қўзгалди. Шарофат имлади, Ниёзбек олдиндан тайёрлаб қўйилган тугунчани токчадан олиб доянинг олдига қўйди. Доя дуога қўл очди.

Набирали бўлганидан хурсанд Жўрабобо қўй сўйди. Эртасига уйлари меҳмонга тўлди. Шу куни янги чақалоққа Жонон деб исм қўйдилар.

* * *

Жонон атак-чечак юрадиган бўлганда Жўрабобо билан Ҳожарбиби бу оламни тарк этишган эди. Жонон бирор марта оғримай, инжиқ бўлмай ўсди. У кундан-кунга тўлишиб, кўзга яқин бўлиб бораверди. Бектошли, еттига кирса-да инжиқлиги қолмас, йиғлоқи эди. Шарофат ирим қилиб, баъзида калиш билан йиғлоқининг оғзига уриб қўярди.

— Қизнинг йиғлоқилиги баҳт, ўғилники ғам келтирас, — дея зорланарди она.

Ниёзбекнинг катта қизи Гулбека ўн бирга тўлганида озиб-тўзиб кетди. Унинг дардини ҳеч ким билмайди. У

кейинги кунларда еганини қайт қиласынан бўлди. Тоғликлар кўпинча ўғилни эркалашади. Одат-податига қарамай, Ниёзбек шу қизини еру қўкка ишонмайди. Гулбекани кўрди дегунча, уни эркалатар, даст кўтариб пешана-сидан ўпар, ширин сўзларини аямасди. Шунда Шарофат:

— Ҳай-ҳай, қизингиз кап-кatta бўлиб қолди, эркалатингиз келса, ана, ўғилларингизга боқинг, — деса-да, қизини суйишдан қўймасди. У ўғилларини-да камситмасди, уларни-да эркалаб, суряди. Лекин қизи бошқача-да. Баъзида унинг қайсиdir хонадонга келин бўлиб тушишини ўйлаб, эзилиб кетарди ва Яратгандан унга соғлик, баҳт тиларди.

Тақдир экан, «асраган кўзга чўп тушади» деганларидек, қизнинг ранги кун сайин синиқиб боряпти. Отанинг эса ичи ачийди. Айниқса, табиб қизнинг дардини ошкор қилгандан сўнг Ниёзбек тамоман қайфуга чўмди.

Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ, деганларидек, ёруғ, умидбахш кунлар ҳам келиб қолди. Бир куни узоқ қишлоқдаги Очилтош деган қариндошлари меҳмон бўлиб келди-ю, Гулбекани кўриб ажабланди. Кейин икки кун қолиб, қизни синчилаб текшириди. Очилтош кампирнинг Сафаротада «қўли енгил табиб хола» деган номи бор эди. У табиблик сирларини қайнатаси Бегмат отадан ўрганган.

Очилтош жияни Ниёзбекка:

— Гулбекани ўзим билан олиб кетай, зора бирор давоси топилса, — деб маслаҳат солди. Чиқмаган жондан умид, деб Ниёзбек билан Шарофат амманинг маслаҳатига рози бўлишди. Гулбекани кўрпага ўраб, аравага миндириб Сафаротага жўнатишли.

Ёз бўлишига қарамай тоғда ҳаво салқин. Очилтош қайнатасидан ўргангандарини ишга солди. Қайсиdir бир гиёҳ гули Гулбеканинг касалига даво эканлигини биларди. У кўрадаги кўй-эчкиларни тоқقا томон ҳайдади. Унга ўғли Акабой эргашди. Она-бола тоғнинг одам чиқиши гумон

жойига чиқишиди. Очилтош кампир чарчаганда ўғли унга:

— Онажон, ўша гиёх қандайлигини менга айтинг, ўзим олиб тушаман, — деди.

— Эй, болам-ей, у гиёхни топиш мушкул, ўзим чиқмасам бўлмайди, — деди она. — У гиёхни кўрмаганимга ўн йилдан ошди. Яқин орада ундан фойдаланмаганман. Синглинг Гулбекага керак бўлиб қолди. Унинг касалига худди шу гиёх гули даво, буни раҳматли қайнатам айтган эдилар. У гиёх ўсадиган жойига фақат эчкilar чиқа олади ва топади. Шунинг учун эчкilarни бу ёқقا ҳайдаб келдим-да, болам.

Кўй-эчкilar йўл бошлади, она-бала уларга эргашиб, кўзланган манзилга етдилар. Чўққида бир гиёх кўринди, эчки бўй чўзди, кампирнинг кўзи яшнади.

— Ана, мен айтган гиёх, эчкини ҳайда, еб кўймасин, — ҳайқирди кампир ўғлига қараб. — Қарагин, атиги бир нечта тури бор экан. Гулининг чиройлигига қара, ўзиям нозиккина.

— Айтинг-чи, онажон, бу қандай касалга даво? — деб сўради Акабой.

— Силга даво, болам, силга. Баъзан қилтомоқча ҳам ярайди. Гулбека силга чалинган, — деди Очилтош кампир ҳансираб. — Бу гиёхни фақат эчкilar топиб ейди. Шунинг учун эчкининг сути, гўшти фойдали ҳисобланади.

Гиёх юлингандага атрофга ажиб бир бўй тараалдики, кишининг баҳри дилини очиб юборадир.

— Оҳ-оҳ, болам, бу ерларнинг ҳавоси ҳам дардга даво, — деди кампир хузурланиб. — Гиёхнинг ҳидиничи! Ҳиди ҳам танларга даво.

Очилтош кампир гиёхни юлиб, шу ернинг ўзида рўмоли устига ёйиб, қурита бошлади.

— Онажон, нега қуёшга қаратиб кўйдингиз? — деб сўради ўғил. — Гиёхни сояда қуритиш керак, дегандингиз-ку.

— Бунинг гули бошқача, ранги жозибали. Қуёш қизигач, гули юмилади. Ҳар бир гиёх турлича қуритилади. Баъзиси сояда, баъзиси офтобда. Бу офтобни хуш кўради.

Офтоб нурида ҳам хосият кўп...

Гиёҳ бир оз қуригач, она-бала пастга тушишди. Салобатли тоғнинг кун тушадиган томони иссиқдан қовжираган, кун тушмайдиган томон яшилликка бурканган. Тоққа чиқиш осон, тушиш қийин: сирғаниб кетиш ҳеч гап эмас.

Очилтош кампир тоғдан қайтганда, Гулбека ташқарида, ёнғоқ дарахти соясидаги ёғоч сўрида, юзига қўнган пашшаларни қўриб, мажолсиз ётарди.

— Болам, сўрини тут дарахти соясига олинглар, — деди кампир ўғли Акабойга қараб. — Тут дарахтининг тагидаги ҳаво енгилроқ бўлади.

Сўрининг жойи алмаштирилгач, кампир келинига эчки сутини алоҳида идишга солиб келишини буюрдида, ўзи тоғдан олиб келинган гиёҳни бошқа бир гиёҳга қўшиб, дори тайёрлаш баробаринда бир пиёла қайнатилмаган эчки сутини Гулбекага ичирди. Сўнг кечқурун ўзи тайинлагандай, алоҳида қўрага қамалган эчки қийини ёқиб, чўгини олиб келтирди. Чўққа исириқ солиб, Гулбеканинг бошидан айлантириди, кейин кўйлагини кўтариб исириқ тутди. Тутун қизнинг баданига ёйилиб, ёқасидан чиқди. Шундан сўнг тайёрлаган дорисини қошиқлаб ичирди-да, қизни кўрпага ўради.

— Чирогим, энди бир оз ухла. Ичган малҳаминг, қий чўги ва исириқ танангга сингсин, — деди кампир меҳрибонлик билан ва ўғлига, яқинда кўй сўйилганига қарамай, улоқча сўйишни буюрди. — Ўғлим, тоғда ўзинг кўрдинг, бу жонивор қанақа гиёҳларни ейишини. Шунинг учун унинг қийи, сути, гўшти ҳам фойдали. Янги сўйилган улоқ гўштидан Гулбекага шўрва қилиб ичирамиз.

Хуллас, Очилтош кампир Гулбекани шу зайл қирқ кун мобайнида даволади. Қиз оёққа турди, иштаҳаси очилди, рангига ранг кирди. Ҳатто ҳовли супуришга ҳам тушкиди. Унинг бу ҳаракатини қўриб, Акабойнинг хотини:

— Ҳай-ҳай, супурманг, чарчаб қоласиз, — деб супургини унинг қўлидан олаётганида, Очилтош кампир:

— Кўявер, келин, қанча кўп ҳаракат қилса, танасида қон югуради, — деди.

Кунлар ўтиб, Гулбека тамоман согайиб кетди...

* * *

Шу йили баҳор қуруқ келди. Ўт-ўланлар қовжираб, нимжонлашди. Кишиларни ваҳима босди. Чунки ёғингарчилик бўлмаса, ўт-ўлан камайиб, чорва очлиқдан қирилиб кетиши мумкин. Натижада очарчилик бошланади.

«Кулфат келса, кўша келади», деганлариdek, майсалар қовжираб, моллар қоқсуяк бўлди, ориқлари қирилди. Бир куни Ниёзбек далада қўшнининг келини ва қизини теша билан ер ковлаб юрганини кўрди. Улар юмрон-қозиқ уясини излашар, уни ковлаб бир ҳовуч-ярим ҳовуч дон топиб олишар ва уни егуликка ишлатишарди.

Дон фамлаб қўймаган оилаларга қийин бўлди. Ниёзбек ҳамиятли эди, йигиб қўйган донидан қўшниларига илинди. Баъзи кунлари катта қозон осиб, ёрма пишириб қишлоқдошларига тарқатарди.

— Сўйишга ярайдиган кўй бўлса, сўйинг, рўзгорда гўшт қолмади, — деди Шарофат эрига.

— Қўйлар озгин, сўйишга ярамайди. Лекин сенга бир нарсани кўрсатаман, — деб Ниёзбек аёлинни томорқа адогига бошлади ва кетмон олиб ер чопди. Шарофат ҳайрон, эри нимага ер ковляяпти? Ярим қулоч ўра ковлангач, каттагина хум кўринди. Ниёзбек хумни ўрадан чиқарди. Унинг ичидаги нима борлигидан хотиннинг хабари йўқ, мўлмайиб қараб турибди. Эр хумнинг оғзини очди. Не кўз билан кўрсинки, хум тўла ёғ. Пича ёғ олингач, тагидан гўшт чиқди.

— Вой, қовурилган гўшт-ку, — севиниб кетди хотин, — қачон кўмган эдингиз? Бузилмабти-я!

— Эсингдами, — деди Ниёзбек хотинини қойил қолдириб, — ўтган йили қўрага бўри оралаб, бир неча қўйимизни ёриб ташлаганди. Шунда ярадор бўлганларини сўйиб, думбасига қовуриб бергандинг. Мен «бир кишига олиб бориб беришим керак буни», деб сенга айтган эдим. Лекин гапим ёлғон эди. Гўштни «муҳтожликда ярайди», деб шу ерга кўмиб қўйгандим. Бунаقا

ишлиарни отам ўргатган эдилар...

Ниёзбек шу «топилма»ни ҳам қўни-қўшни, акаси билан баҳам кўрди. Кейинги йил серёмғир келиб, ҳосил баракали бўлди, рамақижон молларга жир битди.

Ниёзбек бадавлат бўлиши билан бирга саводли ва маърифатни хуш кўргувчи эди. Ўн икки ёшли ўғли Жононни Боғдондаги Алиқул тогасиникига олиб борди. Тогаси мадраса кўрган, саводли киши бўлиб, ўз уйидаги болаларга ўқиш-ёзишни ўргатарди. Тога Жононни имтиҳон қилиб бўлгач:

— Хўш, нега катта ўғлингни олиб келмадинг? — деб сўради Ниёзбекдан.

— Каттасини ўқишга хоҳиши йўғроқ, — дея мужмалланди Ниёзбек...

Жонон зийрак бола эди. У тез фурсатда ўқиш-ёзишни ўрганиб олди. Сабоқдан кейин тоганинг мол-ҳолига, рўзгорига қарашибди. Бир куни тогага қўшниси Бекқул ака нолиди:

— Алиқул тога, олдинлари ерларимиз серҳосил эди, яхши ҳосил олардик. Негадир кейинги йиллар ернинг чўғи паст.

— Уруғлик чатоқдир-да, — деди тога ўзича чамалаб.

Тогасининг томорқасида ишлаётган Жонон ҳангомани эшитиб, худди кекса дехқонлардай:

— Бекқул ака, мана бу мен ишлаётган ернинг тупроғи, — деди у ердан бир сиқим тупроқ олиб кафтида эзғиларкан, қўшнининг еридан ҳам бир сиқим тупроқ олди ва иккисини солишитирди. — Бу эса сизнинг томорқангизники. Аслида иккаласи ҳам бир хил тупроқ. Лекин бириси юмшоқ, қумоқ, сизнинг ерингизники тошдек қаттиқ.

— Ана, айтдим-ку, еримиз қаттиқ, — Бекқул Алиқул тогага гап маъқуллатди.

— Тупроқ бир хил, фақат юмшоғига гўнг солинган, қаттиғига солинмаган — ориқлаб кетган, — деди Жонон уларни ҳайратда қолдириб. — Кўй, қорамолларингиз кўп, ўшаларнинг гўнгини ерингизга солинг, ерин-

гиз яйрайди, ҳосилдор бўлади...

— Устоз,— деди бир куни Жонон сабоқ пайтида, — мен ёзишни эпламасам-да, ўқишни билсам бўлди. Отам билан акам рўзгор ишларида қийналиб қолишгандир. Бориб уларга қарашсам, дегандим, рухсат берасизми?

Бу зийрак бола мустақил ҳам савод чиқаришига кўзи етган устознинг кўнгли ийиб, Жононга рухсат берди. Устознинг айтганларига амал қилган Жонон ёзишни кўпроқ машқ қилди, мутолаага зўр берди. Алишер Навоий, Саъдий, Машраб каби алломаларнинг ашъорларини канда қилмай ўқиб, ёд олди ва билганларини ҳамқишлоқ тенгдошларига ҳам ўргатди...

* * *

Охирги пайтларда, қаричилик, Шарофат тез-тез оғриб қоладиган бўлди. Иштаҳаси ҳам бўғилган, сут ёки бир-икки қошиқ обу ёвфондан бошқасини татимайди. Ниёзбек унинг ҳолига қараб эзилади.

— Қизларни-ку эгасига топширдик, лекин келиндан дарак йўқ, — деди Шарофат эрига зорланиб. — Бу ўғилларингиз хонадор бўлишни ўйлашадими? Мен ҳам бундоқ чўзилиб, келиннинг қўлидан сув ичаманми? Бектош ўн тўққизни қоралаб йигирмага боряпти.

— Онаси, сен оёққа турган кунинг тўйни бошлаб юборамиз, — деди Ниёзбек хотинининг кўнглини жам қилиб. — Албатта келиннинг қўлидан чой ичасан...

Кишининг нияти яхши бўлсин экан. Баҳорга чиқиб Шарофат туриб кетди. Бундан шодланган Ниёзбек тўй тарафдудига тушди.

Аслида келин бўлмиш қиз бор эди. Бектош қишлоқнинг адогидаги қариндошиникига борганида, Лазокат деган қўшни қизга кўзи тушиб, унинг сарв қоматига, чаросдек кўзларига кўнгли суст кетган эди. Ҳатто бир-икки оғиз шакаргуфтторлик ҳам қилишган. Шу-шу, қариндошли баҳона қилиб, қизни кўргани борадиган бўлди. Қариндошнинг қизи Ойбуви Лазокатга тенгдош.

Ойбуви қизни чақириб чиқди, Бектош у билан гаплашди. Ана шу тахлит севги палак ёзди. Бунинг хабари ота-онанинг қулоғига ҳам етиб келди.

— Энди тўйни тезлаштирмасак бўлмас, — деди Ниёзбек хотинига маслаҳат солиб. — Келинликка Санжар аканинг қизи дуруст-у, лекин унга боришдан олдин ўғлингдан гап олсак.

Ниёзбек ўғли Бектошни ёнига чақирди.

— Ўғлим, Санжар аканинг қизига совчи қўймоқчимиз, — дея гапни узоқдан бошлади ота. — Кўриб турибсан, онангнинг соғлифи яхши эмас. Келин олсак, ҳар қалай рўзгордан бўшаб, онанг бир оз ҳаловат топар, соғлиги тикланар...

Бектош шошиб қолди, хаёлида шу бугун келин дегани уйга кириб келадигандай. Ўғлининг ҳаракатлари ни кузатиб ўтирган Ниёзбек:

— Нима дейсан? — дея ўғлидан гап сўради. Бектош жойида қўзғалиб қўйди ва паст овозда:

— Балки Шомурод аканикига борарсизлар, — деди-ю ташқарига чиқиб кетди.

Ниёзбек Шомуродни яхши биларди: дуруст одам.

— Демақ, ўғлимиз Шомуроднинг қизига кўнгил қўйган, — деди Ниёзбек хотинига ўз хulosасини баён этиб. — Совчини ўшаникига юборамиз энди...

Шомурод совчиларни ноумид қилмади. «Қизимни бундан ортиғига бермасман», деб шарт розилигини берди. Орадан ҳафта — ўн кун ўтмасдан оқ рўмолга ўранган келинчак «ёр-ёр» садолари остида Ниёзбекнинг остонасини ҳатлади. Келинни қўриб, Шарофатнинг ҳам кўнгли кўтарилди, севинч ёшлари офтобда қорайган, ажин тушган юзларини ювди.

Лекин... лекин у «энди оёғимни чўзиб ётаман, хизматни келин қилади», деб ўйлаганлари бекор чиқди. Тот келинлари эрта туриб, сигир соғиб, нонушта тайёрлагувчи эди, лекин янги келин бу ишларни қайнана-нага қолдирди. Баъзида келин «ухлаб қолибман» деб

ўзини оқларди, қайнана «ҳали ёшсанлар» деб, келинни айбламасди.

— Келин олиб ҳам, қўлинг касов, сочинг супургими?! — хотинини жеркиди Ниёзбек. — Кўй энди, ишни келин қилсин!

— Кўяверинг, ҳали булар ёш, уйкуга тўйиб олиши син, — деб яна келинининг ёнини оларди Шарофат.

Бир куни Рўзибойнинг хотини Асалой овсини Шарофатга дийдиё қилди:

— Айтинг-чи, мендан нима ёмонлик кўрдингиз?

— Бу нима деганингиз, овсин? — ҳайрон бўлди Шарофат. — Сизни опам деганман-ку, сиздан ёмонлик кўрмаганман.

— Шундай экан, «шуни келин қилаяпман», деб нега менга айтмагансиз?

— Шомуроднинг қизини келин қилаяпмиз, деб айтганман-ку.

— Айтгансиз, лекин «Шомуроднинг қизи қанақа?» деб сўрамагансиз. Сўраганингизда, унинг қанақалигини айттардим.

— Вой, овсин, келиним шунчалар ёмонми? Ҳали ёш, ақли кириб қолар.

— Шунча пайтгача кирмаган ақл энди киравмиди! У уч ўғилдан кейин тугилган арзанда қиз эди: тантик, эркатор бўлиб ўси. Мехрсиз, бетгачопар қиз. Янгаларига озор бериб хузурланарди. Бир куни акаси Самарқанддан совға олиб келади. Ота-онаникни бериб, хотини ва синглисига олган совғани Лазокатнинг олдига қўяди.

— Синглим, сен совғалардан бирини танлаб ол, бири янгангга, — дейди ака. Сингил эса ҳар икки совғага эга чиқади. Онаси:

— Қизим, бирини ол, бири янгангга, — деса, Лазокат шойини олади-ю, сочпопукни ҳам бергиси келмай, онасига:

— Бўхчага солиб қўйинг, кейинчалик ўзим тақаман, — дейди. Қайнананинг қистови билан келин сочпопукни тақади. Эртаси куни янгасининг бошида соч-

попукни қўриб қутуради. Таёқ билан янганинг оёғига уради. Янга шўрлик ўтириб қолади. Шунда Лазокат жамалакка қўшиб янгасининг сочини ҳам ўткир пичноқ билан қирқиб олади. Акаси:

— Бу нима қилганинг! Нега янгангни сочини кесдинг? — деб дўқ урганда:

— Хотинига қул аканинг дастидан дод, — деб бақиради. Янга кетаманни олади. Ака хотинини зўрга овутади. Э, келинингизни бунақа қилиқларини айтаверса, тонг отади, овсин.

— Вой, овсин, мен бунақалигини илгари эшитмаган эканман, — деди Шарофат ёқа ушлаб.

— Қаердан ҳам эшитардингиз, овсин, уйдан бир қадам чиқмасангиз? — пичинг қилди Асалой.

— Рўзгордан ортиб қаерга ҳам чиқардим, — оғринди Шарофат. — Келин қилиб ҳам қўлим бўшамади-да...

Қайнана келини ҳақидаги ҳақиқатни билгач, унга нисбатан бир оз қаттиққўллик қилишга жазм этди.

— Келин, энди сен ҳам бир оз рўзфорга қайиш, — деди Шарофат эртаси куни. — Эртароқ туриб, сигир соғ, ҳовлини саранжомла! Мен ҳам қайнана бўлиб, сенларнинг роҳатингларни кўрай-да бундок.

Лазокат қайнананинг муомаласидан ҳайрон қолди. Чунки шу хонадонга келин бўлиб келганига бир йилдан ошибдики, қайнанадан бу оҳангдаги гапни эшитмаган эди. Лекин барибир чўрткесарлигига борди.

— Сигир соғишини билмайман, — деди қошларини чимириб. — Сигирнинг сассифи ёмон.

— Сутини ичгандан кейин, сассифига ҳам чида-да, келин. Шунча ҳурматингни қилдим, ёш дедим, ақли кирав дедим, чидадим. Қарасам, ўзингдан билиб ҳеч ишга бош қўшмайсан. Қачонгача менга юкунасан. Бугун бор бўлсам, эртага... Етар энди, рўзфорни қўлга ол!

— Ношуқр бўлманг, ойижон, — тумшугини бурди Лазокат, — супир-сидир, қозон-товоқ ювиш, кир-чир деганларидаи — булар иш эмасми?

— Жонингни фамини қилмай қўяқол! Ҳалигача тогорага ўтирганингни кўрганим йўқ. Тандирга-ку, юзим куяди дея яқинлашмайсан. Ўзингни онанг бирор марта келинларини тахтиравонда ўтиргизиб, ўзи улар кўз ўнгиде елиб-юргурганми?

Лазокат энди маломатга ўтди:

— Биламан, сиз бошидан мени ёмон кўргансиз, — деди лабини чўччайтириб. — Бектош акамга бошқа қизни олиб бермоқчи бўлгансиз, лекин ўглингиз мени дегандан кейин ноилож кўнгансиз. Энди шунинг аламини мендан оляпсиз...

Қайнана гапни муҳтасар этса-да, келиннинг дийдиёси кечқурун ҳам давом этди. Лазокат қайнана билан бўлган машмашани эрига ошириб-тошириб айтди:

— Онангиз мени хушламайдилар, — эрига эркаланди у. — Қилгам ишимдан доимо бир камчилик топадилар. Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим. Нима, менга, ўлдириш учун уйланган эдингизми? Рўзгорнинг бутун ташвиши менинг бўйнимда, рўзгордан ортиб онамникига ҳам бориб-ке-ломлайман. Жаллод онангиз рухсат бермайдилар.

— Унчалик эмасдир-ов, Лазокат, — ишонқирамай қаради хотинига Бектош. — Бирор марта онамнинг сенга қаттиқ гапирғанларини кўрмаганман, оғизларидан «келинжон» тушмайди-ку.

— Сизнинг олдингизда шундай, сиз чиқиб кетдингиз — ҳаммаси бошланади. Жон-жон деб жонимни оладилар.

— Хўш, бу билан нима демоқчисан?

— Рўзгоримизни ажратиб берсингилар.

— Одамлар нима дейди? Бир йил бўлмай рўзгорини бўлак қилибди. Бу қанақа келин экан, дарров қайнанаси кўнглига урибди-да, дейишмайдими?

— Дейишса дейишаверишсин, менга барибир! Мен бу уйда ортиқ туролмайман!

Бектош хотинининг гапларини чақиб кўрса, наздида унинг айтганларида жон бордай. Эрталабки нонуштани хотини тайёрласа, дастурхонни йифиштирса, ҳов-

лини супурса ва ҳоказо, ва ҳоказо. Онасига яна нима керак? Битта келин шунчалик бўлар-да.

Бектош хотинининг сочини силади:

— Қўявер, қаричилик, унинг устига мазалари йўқ, гапираверадилар-да. Сен гапларига парво қилма, «хўп» де, билганингни қилиб юравер. Сен аввало мени де, қолгани суришиб кетаверади.

— Шунаقا дейсиз-у, эртага онангиз мендан шикоят қилиб қолсалар, дарров у киши томонга оғиб кетасиз-да!

— Ундай бўлмайди. Биринчидан, онам шикоятчи эмас, у кишидан хафа бўлмасанг ҳам бўлади, иккинчидан, шунаقا бўладиган тақдирда, кўнглинг тўқ бўйсин, мен ҳамиша сен томондаман, жоним.

— Чинингизми?..

Шу зайл Лазокат қичишадиган жойини олдиндан қашиб қўйди.

Орадан икки ой ўтди. Шарофатнинг дарди зўрайди, кўрпачага михланиб қолди. У бундай бўлишини кутмаган эди, лекин начора, иссиқ жоннинг иситмаси бор экан, тақдирга тан бериб, хона шифтига тикилиб ётибди. Қайнананинг бу ётиши келинга ёқмайди. Чунки рўзгорнинг бутун ташвиши унинг бўйнида-да. Шу пайтгача оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юриб ўрганган кишига бирдан оғирлик тушса, малол келади-да. У «қайнанам атайин ўзини касалга солиб ётибди», деб ўйлади. Шарофат унинг шундай деб ўйлашини билади. Биринки жеркиганида келинининг ичидагини уқиб олган. Лазокат қайнанасидан азбаройи ўлган қунидан ҳолаҳвол сўрайди, у ҳам тил учиди.

Шарофат қўшни кампирнинг бетоблигини эшитди-ю, ичи ачишди. Ўзи касал бўлгани учун ундан хабар ололмаяпти. Шу боис Лазокатни чақириб, қўшнидан хабар олишини сўраган эди, Лазокат сасиб берди:

— Ўзимнинг касал боққаним етмагандай, энди қўшники бормиди? Касали юқумли, ижирғанаман, — деб қайнананинг гапини рад этди Лазокат.

— Ундей дема, келин, касалдан ҳол сўраш савоб, — деди Шарофт инқилаб. — Бунаقا бўлмаганимда сендан буни сўрамасдим. Дардни Аллоҳ беради, берганда ҳам ҳаммага эмас, суйган бандасига беради. Дард берган шифосини ҳам беради бир кун. Қўшничилик минг йилликчилик. Яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам биринчи бўлиб шу қўшни келади. Инжиқлиқ қилмай, кечга пиширган овқатингдан бир коса олиб чиқиб, кўнглини сўраб чиқ, жон болам.

— Кўймадингиз-да, кечга томон чиқиб келарман, — деди Лазокат.

Лазокат истамайгина бир коса чучварани олиб қўшникига ўтди ва келини қайнанасини тагини янгилаётганининг устидан чиқди. Ижирганиб қўлидаги чучварани бир чеккага қўйди-да, индамай чиқиб кетди.

— Фу, — деб кирди хонага Лазокат, — қўшнингизнинг келинига қойил қолмадим. Қайнанасининг тагини тозалаб турибди-я! Ўлгур кампирнинг қизлари борку, келиб тозаласин!

— Асл келин қиздан аъло, — деди-ю, Шарофат ба-лога қолди.

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин, мен ундей қилмайман! — деди Лазокат қўлини белига тираб. — Мабодо шу даражага етсангиз, қизларингизни чақирираман...

Бу гап Шарофатнинг миясида ўтиришиб қолди. «Эй, Аллоҳ, кунимни шу келинимга қолгулик қилма! Жоним керак бўлса, оғримтай олгин, мен розиман!» дея илтижо қилди. У охирги кунларда овқат ҳам емай қўйди. Шу кунларда синглиснинг қизи Руқия олдидан жилмайди.

Шарофат шу аҳволда ҳам ўзи ҳақида эмас, кўпроқ кенжаси Жононни ўйларди: кўзим очиғида шугинани бошини иккита қилолмадим.

Шарофат эрталаб ўзини анча енгил ҳис этди. Назидида соғайиб кетгандай. Олдига кирган ўғил-қизларини алқади. Аввал Бектошни, кейин Жононнинг қўлидан ушлади. Негадир Жононнинг қўлини қўйиб юборгиси йўқ. «Сен кимнинг қўлига қолиб кетяпсан-а, ўғлим?

Пешанангга не кўргиликлар ёзилган экан? Ҳеч бўлмaganда бошингда отанг тирик бўлганда эди, гўримда тинч ётардим», деган гаплар ўтди кўнглидан Шарофатнинг.

Лазокат ноиложликдан ҳовлидаги юмушларни қила бошлиди. Шарофатнинг ташвиши – Жононни уйлантириш бўлиб қолди. У анчадан бери синглиси Мадинанинг қизи Руқияни кўз остига олиб қўйганди. Қиз сулувгина, қадди-қомати келишган, оёғи чаққон эди. Шу уйда бўладиган катта-кичик маъракаларда елиб-югуриб хизмат қиларди. Унинг ҳаракатлари, қирқ ўрим сумбул сочига қараб Шарофатнинг ҳаваси келарди ва «ўлмасам, шугунани келин қиласман», дегувчи эди. Лазокат бўлса, қайнанасининг фикру хаёлига ижирғаниш билан қаради:

– Ҳайронман, қайнанам бу яланг оёқларни бунча ўзига яқин олади? Кунини зўрга кўраётган шармандалар наҳотки бизнинг тенгимиз бўлса?

Шарофат кўнглидан ўтганларни эрига ҳам айтган эди. Шунда Ниёзбек:

– Сен нима десанг шу, – деган. – Лекин ўғлинга ҳам бу ҳақда бир оғиз айтиб қўйиш керак.

Эрининг маслаҳати билан Шарофат ўғли Жононга гап очди:

– Ўғлим, кўзимнинг очиқлигида сени хонадор қилсам дегандим. Ҳўп десанг, холангни қизи Руқияни сенга олиб берсак, нима дейсан?

Жонон уялигини ерга қаради.

– Сиз шуни маъқул кўрган экансиз, нима ҳам дердим, – деди Жонон ва мушукдек сирғалиб хонадан чиқиб кетди. Ўғлининг жавобидан Шарофатнинг кўнгли тоғдек кўтарилди ва бу хушхабарни эрига етказди. Лекин шу кунларда Ниёзбекнинг кўзлари чўккан, бетоб эди.

– Сал ўзимга келай, онаси, кейин унаштириб қўямиз, – деди Ниёзбек ва келини Лазокат билан ўғли Бектошни чақириб, бу хабарни етказди: – Шундай, соғайиб кетсан ўзим бош бўламан. Мабодо, худо кўрсатмасин, бирор кор-ҳол бўлса, икковинг бош бўлиб, Ҳаким поччангни қизи Руқияни Жононга олиб берасанлар.

— Қўйинг-е, аввало совуқ нафас қилманг, кейин ўша чўпон бизнинг тенгимиз эмас, — деди Лазокат лабини буриб. — Жононга не-не қизлар тегмайди дейсиз.

— Бу гапингни қўй, келин, — деди Шарофат. — Чўпон бўлса ҳам Ҳакимжон диёнатли одам. Диёнатли одамнинг фарзанди ёмон бўлмайди. Руқиянинг ўзи ҳам одобли, кўркамгина қиз. Битта оиласи обод қиласди. Бу менинг истагим, тамом!.. Бектош, болам, сен Мадина холанг билан Руқияни бу ерга олдир, уларга ҳам айтиб қўяй...

Она-бола кўз ёш билан кириб келди:

— Опажон, — деди Мадина кўз ёшини енги билан артиб, — ётиб қолганингизни эшитмабмиз. Илгари бетоб бўлганингизда Руқия ёнингизда эди. Нега бу сафар айтдирмадингиз ё Руқиянинг хизматидан кўнглингиз тўлмадими?

— Нега, синглим, сизлардан икки дунё розиман, — деди Шарофат ва Руқияга чой дамлаб келишни буюрди. Опа-сингил ёлғиз қолишгач, Шарофат: — Мадина, сен жигаримсан, — деб муддаога қўчди. — Руқияни бирорвга ваъдалашмаганмисан?

— Йўқ, нима эди? — ажабланди Мадина.

— Кўнглингни билайин деб эдим. Руқияни ўзим келин қилмоқчиман, нима дейсан?

— Нима дердим, ниятингизга етинг, опажон. Лекин хўжайним, қайниларим бор, уларнинг олдидан ўтиб қўйсаларингиз яхши бўларди.

— Ҳа, албатта, бусиз иш битмайди. Совчилик эркакларнинг иши. Мен сенинг кўнглингни билмоқчи эдим, холос.

Бу пайтда Руқия чой дамлаб келди, Лазокат дастурхон ёзди. Руқия чойнакни қўйиб, чиқиб кетмоқчи эди, Шарофатнинг ишораси билан Руқия онасининг ёнбошига ўтирди. Шарофат боши билан устига кўрпак-кўрпача терилган сандиқни кўрсатди.

— Руқияжон, қизим, ана у сандиқни очиб, кўк рўймолчали тугунни менга олиб бер!

Руқия холасининг айтганини бажарди. Шарофат ту-

гунчани очиб, тилла сирға билан тилла узук олди-да, синглисига узатди.

— Мана буни қизингга тақиб қўй. Булар унга аталган.

Руқия дув қизарип:

— Вой, ўлай, — деди юзини қўллари билан яшириб. Бу ҳолни қўриб Лазокатнинг ранги бўзарди ва Руқияга қараб:

— Ҳа, тиллани нимага тақаяпсиз? — деди кўзлари олайиб. — Шу уйнинг келини бўлиб, мен тақмаган тиллалар. — Кейин қайнанасига қараб: — Шу яланг оёқлар мендан азиз бўлдими сизга? — деди.

— Келинжон, яланг оёқ бўлиб, сендан оёқ кийим сўраб келганимиз йўқ, — деди Мадина оғриниб.

— Сен, сассиқ гапингни қўй, — деди келинининг гапини кесиб Шарофат. — Қизини келин қиласман, деб айтган эдим-ку, эсингдан чиқдими?!?

Лазокат бир зум жаҳл билан қараб турди-да, сўнг шарт бурилиб, хонадан чиқиб кетди.

— Гапига парво қиласма, унинг жizzакилигини биласанку, — синглисингни кўттарди Шарофат. — Гапиради, гапиради, охири пилдирпис бўлиб қолади. Менинг гапим гап, Руқияни келин қиласман, дедимми, тамом!..

Афсус, Шарофат ниятига етолмади, шу воқеадан ҳафта — ўн кун ўтиб, бандаликни бажо келтирди. Жонон эсанкираб қолди. Яқинда отасидан, энди онасидан айрилиб, бўзлаб йиғлади. Қийин-қийин, унга қийин бўлди. Тез кунда озиб-тўзиб кетди. Бектош унга қараб юраги ачишар, тасалли беришга эса оқсанди.

Онанинг «йил»и ўтиб, Лазокатга тил битди.

— Онангизни ҳам қабри совиди, — деди эрига маслаҳат солиб. — Энди бир яхши қиз топиб, етимчанинг бошини икки қиласлик. Шу баҳона дардлари арирмиди.

— Ҳа-я, тўғри айтасан, ота-онамизнинг васиятини адо этиб қўйсак, елкамиздаги қарздан қутулган бўлардик, — деди Бектош. — Руқияни келин қиласмиз-да энди. Онам шуни васият қилиб кетган эдилар.

— Э, қўйинг ўша Руқиянгизни, бошқа қиз қуриб қолибдими! — эрини жеркиб берди Лазокат.

— Ундай бўлса, укамдан сўрайлик-чи, у нима дей-

ди, — хотинига қарши боролмади Бектош.

Жононни ўртага олишганда, у бошини хам қилиб тураверди. Лазокат гапни узоқдан бошлади:

— Жонон, сизга гулдек бир қыз топдик, яқында унаштиromoқчимиз, — деди ва эрига маңноли қараб қўйди.

— Қыз топдик, деганингиз нимаси, янга? — деди Жонон бошини кўтариб. — Қыз тайёр-ку.

— Қайси қизни айтяпсиз, Жонон?

— Холамнинг қизи Руқияни-да. Онам «уйлансанг факат шунга уйланасан», деган эдилар-ку.

— Қўйинг ўша таъвияни, мен сизга бошқасини топиб бераман.

— Хотин, қўй бошқасини, Жононнинг айтганини қиласайлик, — писибгина гапирди Бектош.

Лазокат ёниб кетди.

— Нима, сиз молбоқар билан қуда бўлмоқчимисиз?!
Наҳотки ўша исқиrtlарга ўзингизни тенглаштирангиз!

— Сен ҳақорат қилма. Бир ҳисобда улар қариндошимиз, холам бўладилар-а. Ундан кейин ўртада «vasiyat» бор, лафз бор. Уларнинг ҳам бундан хабари бор. Камбағалик айб эмас, лафздан қайтиш айб.

— Мени, айб-пайбингиз билан ишим йўқ! Ўша қизни бу хонадонга келин бўлиб келишига қаршиман, — деди Лазокат елка томири тортишиб. — Ўзимни кўзлаганим бор, тамом!

— Э, билганингни қил, — деди Бектош қўл силтаб, сўнг қўлидаги пиёлани дастурхонга тақ этиб қўйди-да, ўрнидан туриб кетди. Эр-хотиннинг жанжалидан энсаси қотган Жонон ҳам акасига эргашди.

* * *

Жонон бўзбола бўлиб етишди. Тоғликлар азалдан кураш тушишнинг, чавандозликнинг ҳадисини олган халқ бўлади. Жонон ҳам салафларига муносиб бўлиб, курашу чавандозликни пухта эгаллади. Тенгқурлари ичida тенги йўқ паҳлавон бўлди, «баҳодир» номини олди.

Бир куни далада қаровсиз қолган қишлоқ моллари-

ни аллақандай ўғрилар ҳайдаб кетишибди. Ҳамма ҳайрон, нима қилишларини, қаёққа чопишларини билишмайди, бошлари қотган. Шунда уларга Жонон ёрдамга келди ва икки қулочли сўйилини елкасига ташлаб, ўғриларнинг пайига тушди.

Жонон сўйилни бобосидан эшитган усулда ясаган: зарангдан йўниб олган таёкни мойлаб, уч ой давомида офтобда тоблади, таёқ мойни ўзига сўриб олгач, уни яна мойлаб, энди сояда қуритди ва яна мойлаб боз офтобда тоблади. Шундан сўйил деган жонивор темирга айланди-қолди.

Айтишларича, ўғрилар молларни ҳайдаб кетишганига унча бўлган эмас экан. Жонон тоғни қиялатиб, айланма йўлидан ўғрилар орқасидан от солди. Бу йўлдан фақат яёв юрса бўларди. Жонон отини худди шунаقا йўллардан юришга ўргатганди. Ақлли жонивор ингичка йўлдан елдай учди. Жонон чамалади. Уларнинг орқасидан тўғри йўлдан қувса етолмайди. Бир соатлар чамаси тор йўлдан ўтиб, ўғриларга етиб қолди.

Рустам келбатли йигитнинг от чоптириб келаётганини кўрган уч нафар ўғридан иккитаси унга қарши чиқди, биттаси ўғрилик молларни ҳайдаб кетаверди. Икки ўрининг кўлида ҳам сўйил бор эди. Жонон ҳам сўйилни ўйнатиб уларга қарши юрди ва сўйилни шундай чақ-қонлик билан айлантириди, у бориб тегиши билан ўғриларнинг сўйили синиб, кўлларидан учиб кетди. Кейинги зарбда ўzlари ҳам ерга қулашди. Уларнинг бирини боши харсангга тегиб, жон талвасасида питирлаб қолди. Жонон иккинчи ўгрига ҳужум уюштирмай:

— Шеригингга ёрдам бер! — деди. Бу ҳолни кутмаган ўғри йигит шеригини қўлтиқлаб, чаккасидаги яранни боғлади. Молларни ҳайдаб кетаётган учинчи ўғри «балодан нари» деб орқасига қарамай қочди. Икки ўғри ўзига келгач, Жононнинг мардлигига тан бериб, унинг қаршисида тиз чўкишди.

— Эй, йигит, биз ўлимдан қўрқиб эмас, сенинг мардлигинга тан бердик, — деди улардан бири.

— Қаерликсизлар, нега бирорларнинг молини ҳай-

даб кетаяпсизлар? – деб сўради Жонон.

– Биз ана шу тоғ орқасида яшаймиз. Қишлоғимизгача бу ердан ярим кунлик йўл. Биз бир умр шу касб билан умргузаронлик қилиб келдик. Биз олти киши эдик, бурноғи йили учтамизни бир қишлоқ аҳли тутиб, ўлдирди. Сен эса бизларни ўлдириш ўрнига, омонлик бердинг. Бунинг сабаби не? Сендеқ ботир ўғлонни ким деб атайдилар?

– Мени эл «Жонон баҳодир» деб атайди, – деди Жонон ўзини таништириб. – Сенларга омонлик берганимнинг маъниси, одам адашади, унга тўғри йўлни кўрсатсанг, хотосини тушуниб, ҳақ йўлига кириши мумкин. Мен ҳам сизларга, «тавба қилинглар, ҳалол яшанглар», демоқчиман. Ҳалол топилган луқма ҳамиша ширин ва беминнат бўлади.

– Эй, баҳодир ўғлон, – дейишди икки ўгри, – сен биздан ёш бўлсанг-да, кўзимизни очдинг. Энди бу касбни ташлаб, ҳақ йўлига киргаймиз. Худо сендан рози бўлсин! Ана, молларинг, уларни олиб кет. Бизнинг қишлоққа йўлинг тушса, азиз меҳмонимиз бўл, сени ҳалол топган луқмамиз билан сийлагаймиз.

Жонон ўғирланган молларни қайтариб келганини кўриб, халқ унга офаринлар ўқиди ва бу ишни қандай эплаганини сўрашди. Жонон мақтанчоқлик қилмади.

– Ўғрилар мени узоқдан кўриб, ўзлари молларни ташлаб қочишиди, мен молларни бу ёқقا ҳайдаб кела-вердим, – деди камтарлик билан...

Бир йил қиши қаттиқ келиб, кўп моллар қирилди. Қарангки, шу йили мол ва дон ўғриси кўпайди. Бектошнинг ертўласида дон борлигини кўпчилик биларди. Шу кечаси қишлоқда тўй бўлаётган эди. Қишлоқ аҳли – хотин-эркак – бари шодиёна бўлаётган хонадон меҳмони эди. Эркаклар базмда, аёллар «ёр-ёр» билан овора. Тўй кечаси Жононнинг кўнгли бир нимани сезди ва дўсти Наврўзбойни қаватига олиб, уйларидан хабар олгани борди. Не кўз билан кўришсинки, ҳовлида икки кўланка, улар қопланган нарсаларни аравага ортишаётиби. Жо-

нон уларни ўғри эканликларини билди ва тезда ишга киришди. Пайт пойлаб ҳар икки ўғрини тутиб, қўл-оёғини боғлади. Лекин уларга қўл теккизмади.

— Сенларни эрталаб қишлоқ аҳлиниң ўзи жазоласин, — деди Жонон. Икки ўғри эса ялинишга тушди:

— Шарманда қилма бизни, тавба қилдик!

Кейинги пайтларда дон ва мол ўғрилари кўпайиб кетган эмасми, ҳар куни кимнингдир уйидан нимадир йўқоларди. Айниқса, яқинда бева аёлнинг икки қоп галласини олиб, икки норасида гўдаги олдида уни бадном қилиб кетгандаридан сўнг, аёл номусига чидай олмай, ўзини осиб қўйган эди. Бу қишлоқ аҳлини қаттиқ фазаблантирган эди. Жонон уларга шу воқеани эслатганида, ҳар иккаласи бу ишни құлмаганликларини айтишди.

Эрталаб ўша марҳум аёлнинг икки ўғлини олиб келиб, ўғриларга рўбарў қилишди. Болалар «булар эмас», дегандаридан сўнг, қишлоқ оқсоқоли тандирга иссиқ нон ёптириб, ўғриларга едирди, сўнг устидан муздек тарвуз кесиб берди. Ўғрилар тарвузни еб бўлишгач:

— Ана энди отларингга мининглар-да, келган жойларингга кетинглар! — деб ўғриларга жавоб берди. Бу ҳолдан атрофдагилар ҳайрон эдилар.

— Оқсоқол, уларга жазо бериш ўрнига, қоринларини тўйдириб юбордингиз-ку. Буни нима деб тушунмоқ керак? — деб оқсоқолга юзланишди. Оқсоқол бир оз тин олгач, шундай деди:

— Мен уларга энг оғир жазони бердим. Иссиқ нон билан муздек тарвузни ейишди. Уйларига етиб боргач, уч кундан кейин оғизларидаги барча тишлари тўкилади. Бу улар учун олий жазо бўлади. Енгилроқ жазо берсак ҳам бўларди-ю, лекин етим болалар «ҳамқишлоқларим ўғриларга шафқат қилишди», деб биздан домангир бўлишарди.

Шундан кейин Сафарота ва Боломонота қишлоғига бошқа ўғри ораламади.

* * *

Ховлига якка хўжайн бўлиб олган Лазокат ҳаддидан ошди. Бектош кўпкари-ю, тўй, зиёфатлардан бери

келмади. Рўзгор ишлари, экин-тикинга қарашиб Жонон зиммасига тушди. Латофат қайниси Жононга Руқияни олиб беришларига қарши чиққанига сабаб бор эди. Чунки у ўз синглиси Ойгулни келин қилиш тарафдори эди. Бу мақсадини эрига айтганида, Бектош:

— Жононнинг ўзи нима дейди? — деб сўради.

— Нима дерди, сизнинг айтганингизга кўнади-да, бошқа чораси ҳам йўқ. Руқия ҳам ўз тенгини топиб кетар.

— Қани, бир оз шошма, ўйлашиб кўрайлик, — деди Бектош гапни орқага суриб...

Руқияга совчилар кела бошлагач, онани хавотир босди. Ўртада опасининг васияти бор ахир. Унинг устига Бектошнидан совчи келмаяпти. Айнишдимикан? Мадина эри билан маслаҳатлашиб, Бектошникига ўзи борадиган бўлди. Лазокат уни менсимай кутиб олди. Ошу овқатдан кейин Мадина ташрифи боисини айтганда, Лазокат:

— Жононга бошқа қизни олиб бермоқчимиз, — деди томдан тараша тушгандек.

— Опамнинг васияти-чи?

— Опангиз васият қилган бўлсалар қилгандирлар, лекин қизингизга йигитнинг кўнгли бўлмаса, бизлар нима қилайлик?

Мадина устидан бир челак совуқ сув тўклигандек, ҳафсаласи пир бўлиб, бу хонадондан чиқиб кетди.

Бу орада Жонон Руқия билан бир неча бор учрашди. Ҳатто қизга онасининг васиятини ҳам эслатган. Шунда Руқия уялиб, юзларини яширган. Бир куни Жонон Руқияни далада кўриб қолди. Қиз дам ерга ётиб олар, дам ўрнидан турарди. «Нега ундаи қилаяпти», деб Жонон қиз томонга юрди ва қараса, қиз боқиб юрган қўйлардан бири қўзилабди ва қўзичоқ ўрага тушиб, қиз уни чиқаролмай овора экан. Жонон етиб келиб, унга ёрдам бермоқчи бўлди.

— Жонон ака, мен туша қолай, сиз мени тортиб оласиз, сиз тушсангиз, мен сизни тортиб ололмайман, — деди Руқия ва йигитнинг жавобини кутмай ўзи ўрага тушиб, қўзичоқ-

ни унга узатди. Йигит қўзичноқни ерга қўйиб, қизнинг қўлидан тортиб оларкан, нохос қиз унинг қучогида пайдо бўлиб қолди. Биринчи марта ўзини йигит қучогида кўрган қизнинг қўзи тиниб, боши айланди. Жононнинг ҳолати ҳам шунга яқин. У Руқияни қучогидан бўшатмай турди-да, кейин қизнинг қаршилигини сезиб, қўйиб юборди.

— Жонон ака, уялмайсизми? — деди Руқия юзлари оловдай ёниб.

— Руқия, эртага ҳам шу ерга кел, — деди Жонон ялинган оҳангда. — Сени кўрсан хурсанд бўламан.

— Уялсиз, — деди Руқия ноз билан ва тезда кўздан фойиб бўлди. Руқия эртаси қуни келмоқчи эмас эди, лекин қандайдир куч уни шу томонга етаклади. Иккаласи бир-бирини сўzsиз тушунгандай, харсанг устида узоқ ўтиришди. Жонон яна қизни бағрига босмоқчи бўлди, лекин қиз бунга изн бермади.

— Жонон ака, сиз ёмонсиз, — деди Руқия эркаланиб.

— Яна бир марта «ёмонсиз» дегин, — дея зорланди Жонон. — Бу гапинг қулогимга мойдек ёқяпти.

— Ёқмайла кетсин. Тўғри ўтиринг, бўлмаса эртага келмай қўяман.

— Ундей қилсанг, ўлиб қоламан, Руқия. Мен сенинг рухсорингни бир кун кўрмасам, адо бўламан ахир.

Руқия шунчалар барно, жозибали эдики, уни тасвирлашга сўз қаҳат. «Қиз дегани ҳам шунчалар гўзал бўладими?» деб Жонон унга боқиб тўймасди.

— Жонон ака, энди кетайлик, бегонанинг қўзи тушса, уят бўлади, — деди Руқия.

— Руқия, мен сени яхши кўраман.

— Биламан, — ерга қаради Руқия.

— Айт-чи, сен ҳам мени яхши кўрасанми?

Руқия жим қолди.

— Уялма, фақат тўғрисини айт.

— Буни айттолмайман-ку.

— Лекин кўзларинг бу гапни айтяпти, Руқия.

— Кўзлар «сотқин» бўлади ўзи.

— Ҳадемай тўйимиз бўлади. Сен меники бўласан, —

энтикиб айтди бу гапни Жонон.

— ...

- Нега жимсан, бир нима десанг-чи, Руқия.
- Кече туш күрдим, негадир бу тушдан күнглим фаш, — деди Руқия маъюс тортиб.
- Қанақа туш экан, айт-чи.
- Иккаламиз қўл ушлашиб турган эканмиз. Сиз мени ўзингизга тортмоқчи бўлганингизда бирдан қоронгулик пайдо бўлиб қолибди. Ўртамиизда жарлик бор эмиш. Сиз қўлимдан ушламоқчи бўлиб интиларкансиз. Лекин жарлик кентайиб боравераркан. Сиз ёруғлик томонда, мен эса қоронгуликда қолибман. Жарлик устида кўз илгамас қилкўприк бор эмиш. Қачон шу кўприкдан ўтсак, бир-бирилизга етишарканмиз. Бора-бора, кўринмай қолдингиз... Уйғониб кетсам, тушим экан.

— Қизларнинг туши тескари келади, — деди Жонон кулиб. — Демак, бир-бирилизга етишар эканмиз...

Иккиси икки томонга ажрашишди. Жонон шу сафар Руқияни охирги марта кўраётгандек, орқасига қарай-қарай кетди.

Руқия оиланинг яккаю ягона арзанда қизи. Ҳаким билан Мадина турмуш қуришиб, ўн беш йил деганда шу қизга етишишди. Кўрсатмаган бахши-ю, табиблари қолмади. Охири Боломон ота зиёратига бориб, фарзанд сўрашди. Эртаси куни Мадина туш кўрди. Тушида оппоқ соқолли чол: «Қизим, қўлингни мана шу тош устига қўйиб, чин дилдан илтижо қил», дебди. Шунда Мадина кафтини тепага қаратиб тошнинг устига қўйибди-да, йиглаб-ёлвориб фарзанд тилабди. Чол эса: «Эй, қизим, сен ноумид бўлма, сен фарзандли бўласан. Қўлингни тошга чалқанча қўйдинг, сен қиз кўрасан. Агар юзтубан қўйганингда ўғилли бўлардинг», дебди.

Шу тушдан бир йил ўтиб, Руқия туғилган экан.

Лазокатнинг гапидан кейин Мадина биринчи келган совчиларга розилик бериб юборди. Бу савдони Руқия дугонаси орқали Жононга етказди. Жононнинг бошидан ҳуши учиб, Мадина холасиникига учиб борди. Хо-

ласи йиглаб-сиқтаб, Лазокатнинг гапини айтди.

— Мен... биз... бир-биirimизни яхши кўрамиз, — деди Жонон ёлвориб. — Бизни айирманглар! Янгам айтаверадилар, мен эса Руқиясиз яшолмайман!

— Энди кеч, Жонон, — деди холаси пастки лабини тишлаб. — Руқияни унаштириб қўйдик, фотиҳани бузолмаймиз. Сенинг баҳтинг ҳали олдинда. Баҳтингни Аллоҳим берсин! Энди кет, чирогим.

Жонон тушкун кайфиятда уйга қайтиб келди.

— Ҳа, нима бўлди, қовоғингдан қор ёғади? — деб сўради акаси. Жонон акасининг қаршисида тиз чўкли.

— Ақажон, онамнинг васиятини унутдингизми?

— Нега ундан дейсан? Унутганим йўқ. Хўп десанг, эртагаёқ одам қўйдирман. Бунинг хафа бўладиган жойи йўқ.

Ишнинг бу тарзда чаппа кетишини кўрган Лазокат:

— Мен... мен... — деганича чулдираб қолди.

— Ҳа, нима сен? — хотинига юзланди Бектош.

— Мен холангизга «қизингизни келин қилмаймиз, Жонон бошқага кўнгил берган», деб юборгандим.

— Нега мендан bemаслаҳат иш қилдинг, кўрнамак? Ким сенга рухсат берди ўзбошимчалик қилишга? — хотинига мушт дўллайтириди Бектош.

— Мен «улар тенгимиз эмас», деганимда индамаган эдингиз, шунга... — маккоралик қилди Лазокат.

— Мен Руқияни келин қилмаймиз, деб айтмаган эдим-ку!

— Мен, Руқияга уйланмасам, дунёдан тоқ ўтаман! — қатъий жавобини айтди Жонон.

— Уқажоним, бу гапни айтма! Ҳаммасига мен айбдорман, сени ўйламабман! Кўзимга ҳали ёш кўринибсан. Бундан «манави ифлос фойдаланибди», деди Бектош ва қўлига илинган човгумни хотинига қаратса отиб юборди. Човгум Лазокатнинг елкасига тегди ва у тиззалиди. Унинг дод-войига қарамай, Бектош холасиникига қараб чопди. Холаси уни ҳеч гап бўлмагандай кутиб олди.

— Кел, чирогим, эсон-омон юрибсанми?

— Хола, нега ундан қилдингиз?

— Мен эмас, ҳамма ишни хотининг қилди. У бизни писанд қилмади. Опам тириклигига ҳам шундай қилган эди: тенгимиз эмассан, яланг оёқсан, деганди. Опамнинг юзи деб кечиргандим. Жононнинг Руқияга кўнгли борлигини ҳам билардим. Совчилар келавергач, сендан садо чиқмагач, юзимни шилиб, уйингга бордим. «Жонон қизингни хушламайди, бор, қизингни кимга берсанг бер», деб хотининг мени оёқости қилди. Опамнинг васиятини эслатсам-да, барига тупурди. Шундан кейин нима қилишимиз керак эди?

- Нега менга учрашмадингиз?
- Сен нима қилолардинг? Ўшанинг измидасан-ку!
- Энди нима қиласмиш?
- Энди фотиҳани бузолмаймиз. Жононнинг баҳтини Аллоҳнинг ўзи берсин! Сенга бошқа айтадиган гапим йўқ...
- Бектош дарду дунёси қоронғу бир ҳолатда холасининг уйидан чиқиб кетди. Жононга нима дейди энди?

То ҳануз фарзанд кўрмаган Лазокатнинг мақсади — синглисини келин қилиб, бу уйга маҳкамроқ ўрнашмоқчи, меҳнаткаш Жононни ўзлариники қилиб олмоқчи эди. Ўша қунги можародан кейин у аразлаб кетмоқчи эди, лекин оқибати ёмон бўлишини ўйлаб, фикридан қайтди. Чунки, кетса фишт қолипдан кўчарди. Эри туғмас хотинни икки дунёда олиб келишга бормасди. Шунинг учун шилингтан жойларини боғлаб, ҳеч нарса бўлмагандай юраверди. Лекин ўйлаган режасидан чекинмади.

«Мен туғмасам, эrim устимга хотин олиши аниқ. Кундошим туғиб берса, мени ҳайдаб юбориши турган гап. Ҳозир укасига суюнади, агар у ўйланиб, бола-чақали бўлса, яна менга қийин. Жонон бирор ёққа бош олиб кетса ёки ака-ука юз кўришмас бўлса, эrim боз менга боғланади. Бунинг учун нима қилсан экан», дея бош қотиради Лазокат. Ана шу ўй-хаёллар уни ўта қабих йўлга бошлади. У кимдандир, бир аёл ўз қайниси билан дон олишиб юрар, лекин эри бундан воқиф эмас

эмиш, деган гапни эшитган эди. «Мен ҳам шу йўлни тутсам, осмон узилиб ерга тушармиди, — деган қарорга келди. — Эҳтимол айб эримдадир? Шу баҳона ўзими ни синааб кўришим мумкин. Эркак-ку, бир ишва қилсан, Жонон менга қайишади»...

* * *

Жонон, айтганимиздай, полвон йигит. Унинг келишган сумбати, кенг яғринлари, истарасининг иссиқлиги рисоладагидек. У ҳеч қачон хизматдан нолимайди, қанча кўп меҳнат қилса, шунча роҳатланади. Унинг итоаткорлиги янгаси Лазокатга қўл келади. Шунинг учун Лазокат унга хоҳлаган юмушини хоҳлаган пайтида буюради. Жонон ҳам қайсарлик қилмай буюрилган ишни қойилмақом қилиб бажаради.

Лазокат бир чиркин ишни режалаштириб юрган кунларида, Бектош узоқ қишлоқдаги дўстининг тўйига кетди-ю, Жонон билан Лазокат уйда ёлғиз қолди. Бу Лазокат учун айни муддао бўлди. У ўзига оро бериб, ҳовлига чиқди. Ташқарида, сўрида Жонон ухлаб ётарди. Лазокат беҳаёларча унга яқинлашди, унинг келишган афт-ангорига, бўртиб чиққан мушакларига суқ билан боқди ва супада ўсиб ётган райҳондан бир чимдим юлиб олди-да, Жононнинг бўйни аралаш юзларига райҳон бутоғини юргизди. Аввалига ажаб бир ҳузур бағишлиган бу ҳолатдан йигит тебранди, кейин бирдан кўзини очди ва боши тепасида янгасини кўриб, қаддини тиклади. Лазокатдан эркак зотини жумбушга келтирадиган аллақандан хушбўй ҳид тарагиб турарди.

— Ҳа, янга, бемаҳалда бу ерда нима қиляпсиз? — ёнидаги кўйлагини кия бошлади Жонон. — Тинчликми ишқилиб?

— Акангизни кутавериб, зерикиб кетдим, — деди Лазокат эҳтирос билан боқиб. — Сиз билан бир оз гаплашиб, кўнглимни ёзай деб чиқдим.

— Мен билан нимани ҳам гаплашардингиз, янга?

Яхиси, кириб ётинг, мен ҳам чарчаганман.

— Аёлнинг оғушига кирмагансиз-да, аёл лаззатини билмайсиз. Келинг, бир иситиб қўяй, — деди Лазокат Жононнинг бўйнига қўл ташлаб, қўйнига кириш ҳаракатига тушди. Жонон ҳушёр тортиб, янгасининг қўлини силтаб ташлади.

— Йигитсиз-ку, нега ўзингизни олиб қочасиз? — эҳтирос билан шивирлади Лазокат ва яна Жонон томон интилди. Бу сафар Жонон уни қаттиқ силтаб ташлади.

— Шарм-ҳаё борми сенда? Уялмайсанми, акамнинг кўзи тирик-ку! — сенсиради Жонон.

Лазокатдаги эҳтирос ўрнини ғазаб эгаллади:

— Шунақами! Ўзинг «чиройлисиз, сизни яхши кўраман», деганингда ҳам аканг тирик эди. Ё эсингдан чиқдими? — маккорликка ўтди Лазокат.

— Ўша гапни ҳали ҳам чайнаб юрибсизми? Ўшанда ўзингиз «мен чиройлимани?» деб ҳазил қилганингизда, «чиройлисиз», деганман. Янгам бўлганингиздан кейин «яхши кўраман», деганман-да. Ўша гапни қінғирликка йўяяпсизми энди? Уялсангиз бўларди!

— Сен мужаратта қучогимни очиб, уятсиз бўлдими ҳали? Сеними! — Лазокат шаъни топталган аёлдек этагини қоқиб, ичкарига кириб кетди. Жононнинг эса тамоман уйқуси қочди. Худди бу томошани кимдир панада туриб, томоша қилаётгандек, қоронгулик қўйнига олазарак боқди ва ўзидан-ўзи уялди. Шу пайт атайнин қилингандек, дарвоза тақиллади. Жонон бир муддат қотиб қолди. То ўрнидан қимирлайман дегунча, ичкаридан Лазокат чиқиб, «боряпман, ҳозир», деганча дарвоза томон йўналди. Бектош то ҳануз хотинининг ухламаганига ажабланди.

— Ҳалигача ухламадингми? Дарвозани Жонон очарди-ку.

— Уйку қаёқда, — норози оҳангда зорланди Лазокат. Бектош ширингина эди. Эр-хотин валақлашиб ичкарига киришди ва иккиси алламаҳалгача фидир-бирир қилиш-

ди. Улар нима ҳақда гапиришаётгани Жононга эшитилмасди. Жонон шу лаҳзада бир шумликнинг «ҳиди»ни сезди ва ўрнидан азод туриб, акаси билан янгаси кириб кетган хона эшигига яқинлашиб, ичкарига қулоқ тутди.

— Эркакмисиз?! — деб йифларди Лазокат. — Сиз, остона ҳатлаб кўчага чиқдингиз, ўлгур бўйнимга ёпишади-қолади... Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Ука дегани ҳам аканинг ҳалолига қўз олайтирадими? Ҳали тириксиз-ку... Эсини киритиб қўймайсизми ё мен иккингизга текканманми? Ўлгурга «акангиз тирик-ку, нега бундай қиласиз?» десам, «акамни ўлдирсам, менга тегасанми?» дейди юзинг қургур...

Бектош ширакайф эмасми, бир нималар деб ғулдиради, унинг нима деганини Жонон эшитмади. Лазокат энди эрини гижгижлатди:

— Ўлдиринг! Бунақа жигарнинг боридан йўғи яхши! Ўлдирсангиз, ҳеч ким сиздан кўрмайди. «Бирорта қасдлашгани ўлдириб кетган-да», деб ўилашади.

— Жонон унчаликка бормас, гапинг ёлғон! — Бектошнинг ҳушёр овози янгради. — Маккорлик қиляпсан!

— Ишонмайсизми? Қасам ичайми? Агар ёлғон гапирсам, Каломулло...

Бектош хотинининг оғзини ёпди.

— Бўлди, бас!..

— Ана шунақа, агар сиз унинг суробини тортмасангиз, бир куни у сизни ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас. Жувонмаргнинг важоҳати ёмон. Бир томондан, суйганини олиб бермаганимиз учун ҳам бизга нисбатан ичиди алами бор...

Жонон қулоқларига ишонмади. Нима бўлаяпти ўзи? Наҳотки янгаси шу даражада ваҳший бўлса! Акасига нима деб ўзини оқлади? Хотинининг измига кириб олган акаси унинг айтганларига ишонадими? Бу хотин эртага кўчага чиқиб, шаллақилик қилишдан ҳам тоймайди. Унда нима деган одам бўлади? Ёмғирдек ёғилиб келаётган бу каби саволларга жавоб топиш Жонон учун худди шу пайтда жуда қийин эди. У энг тўғри йўл, бу уйдан бош олиб кетиш, деган қарорга келди ва ўзи ётган сўрига

чиқиб, күрпа-ёстиқни гүё киши ётгандай қилиб түгрилади-да, дарвоза томон юрган эди ҳамки, акаси, қўлида болта, сўри томон жадал қадам босди. У телба-тескари қадам босар, ҳозир нима қилаётганини билмасди гүё. Сўрига яқинлашган Бектош болтани даст кўтариб, Жонон ётган ёстиқни чопди. Жонон турган жойида тошдек қотиб туради. Акасининг ҳаракатлари зое кетганини кўриб, ич-ичидан ачинди ва турган жойидан:

— Ҳа, бадбахт акажоним-а, ўша беҳаё, сизни укан-гизнинг қонига ташна қилди-я! Ўшанга ишондингиз-а! — деди афсус-надомат билан. — Энди акажон, ўша ёлғоннингиз билан қолинг, мен учун бу уй ҳаром. Мен кетдим, алвидо, акажон! Энди қиёматда кўришамиз!

Бирдан ўзига келган ака, довдираб қолди. Қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлиб, пешанасига бир урди.

— Жонон, мени кечир, гўстоҳик қилдим, укажон! Мени шайтон йўлдан урди! Орқангга қайт! — дея дарвоза томон қўл чўзди Бектош. Лекин бу пайтда Жонон кўчага чиқсан, катта йўл бўйлаб боши оққанг томонга кетиб борарди.

— Кўяверинг, қилган ишидан уялиб қочиб кетаяпти, — деди «шайтон» эрига далда бериб. — Қаёқча ҳам борарди, санғиб-санғиб, яна шу ҳовлига қайтиб келади.

Бу сафар Бектош хотинига тик боқди.

— Тумса, мақсадингга етдингми энди?! — еб қўйгудек қўзларини олайтирди Бектош. — Ҳа, мақсадингга етдинг! Энди талоқсан, ҳа-ҳа, уч талоқсан! Кет бу уйдан, тўрт томонинг қиблаби!

Лазокат эрининг оёғига ёпишиб, ундан шафқат сўради, лекин Бектош жаҳлидан тушмади. Хотинидан жиркангандек, унга охирги марта бир қаради-ю, ўзини дарвоза томон урди.

— Жонон, мени кечир!.. Орқангга қайт, Жонон...

* * *

Орадан икки кун ўтса ҳамки, Жонондан дарак бўлмади. «Бирорта узоқроқ қариндошимизникига кетган, тафти босилса, эрта-индин келиб қолар», деб ўзига тас-

кин берган Бектошнинг ҳам хаёллари пучга чиқди. Жонон икки ҳафтадан кейин ҳам қайтиб келмади. Бектош жаҳл устида «уч талоқ» деган гапидан жаҳли тушганда ҳам қайтмади. Қариндош-уруғларнинг олдида жаҳл устида айтган гапини такрорлаб, Лазокатнинг жавобини узил-кесил берди. Бунинг учун баҳонаси тайёр эди: олти йиллик турмушда фарзанд бўлмаслиги, Жононнинг аразлаб кетиши ва бошқа сабаблар...

Лазокатнинг акалари арава ёллаб, «бозордан қайтган» сингилнинг кўч-кўронини олиб кетищди. Лазокат яна ёшлиқдаги қилиқларини эсга олди ва янгаларини чимчилашга ўтди. Янгаларнинг кичиги бу ҳолга узоқ чидамади:

— Ҳали ҳам кўзинг очилмабди-да? Бўлди энди, эски қилиқларингни ташла! Агар шу уйда яшайман, десанг, бизлар билан муроса қилишингга тўғри келади, — деди дангалига.

Лазокат паст келгиси келмади. Хаёлида, паст келса, оёқости бўладигандай эди.

— И-е, қачондан бери бу уйга хўжайнчилик қила-диган бўлдинг? — янгасига бақириб берди. — Онам ўлгандан кейин тилинг бурро бўлиб қолибди-да. Акам, сенга эрк бериб қўйганга ўхшайди. Мен акамга ўхшамайман, жонингни ўзим оламан, шошмай тур! — У тандир ёнидаги касов билан янгасининг оёғига урди. Таёқ зарбидан жони оғриган келин Лазокатнинг қўлидаги касовни тортиб олиб, иккига бўлиб ташлади ва жазава билан:

— Агар яна бир марта қўл кўтарсанг, шу таёқ бoshингда синади, — деди. Лазокат ўзини лўлиликка солиб, «янгаларнинг дастидан дод», деб шаддодлик қилди. Лекин акаларнинг бирори ҳам унинг ёнини олмади, аксинча, унга танбех беришди:

— Синглим, бизларнинг ҳам орамизга совуқчилик солмоқчимисан? — деди катта ака. — Қўй, тинчгина яшайлик энди. Шунча шармандалик камлик қиласидими сенга?

— Ҳа, хотинларингни қули бўлиб қолибсанларми? — деди Лазокат иddaо билан. — Хотинларинг сингилла-рингдан азиз бўлибди-да! Керак бўлса, мен бу алвас-

тиларнинг халтасини бўйнига илдириб, онасиникига жўнатиб юбораман!

Лазокат беобрўлик қилиб, дийдиё қилди. Кичкина aka сал сингилга қайишгандай бўлди.

— Бўлди, мен янганг билан гаплашиб кўяман, — деб хотинини ичкари уйга бошлади ва синглим эшиксин деб, бир-икки аччиқ гапларини овоз чиқариб айтди, кейин хотинига паст овозда: — Кўй, хотин, шу билан тенг бўлма, — деди. — Ҳозир у аламзада, озгина сабр қилсанг, ўзига келиб қолади. Бир гапдан қолсанг, олам гулистон.

— Кўриб турибсиз-ку, жанжални ўзи бошлайди, — деди янга эрига зорланиб. — Бўлмаса, арини инини ковлаш менга зарил келибдими? Мен ҳам ўзимнинг тинчимни ўйлайман. Ўша индамаса, бизларнинг ҳам қулоғимиз тинч-ку. Баъзан одамнинг жонидан ўтказиб юборади-да.

— Ақлли хотинсан-ку, гапирса ҳам сен гапирма шунга. Биласан, ишдан чарчаб келаман, ортиқча фалвага тоқатим йўқ...

Янгалар сабр-тоқатли бўлди, лекин Лазокатта инсоф кирмади: бўлар-бўлмасга, йўқ жойдан жанжал чиқарди.

— Чой дамлаб кел, — деди бир куни янгасига, да-рахт соясида ўтириб олиб. Янгаси итоаткорлик билан чой дамлагани кетди-ю, бир оз ҳаяллаб қолди. Унинг ҳаяллагани Лазокатта айил ботди. «Бу атайин шунаقا қиляпти», деб ўйлади. Янга чой олиб келди ва дўқ этказиб чойнакни унинг олдига қўйди. Чойнакнинг дўқ этгани Лазокатта зарда бўлиб туюлди.

— Нега чойнакни зарда қилиб қўйдинг? — қошлари чимирилди Лазокатнинг.

— Нега зарда қиларканман? — деди янга сиполик билан. — Кўйинг, Лазокат, қилдан қийиқ ахтарманг, тинч ўтирайлик.

— Тинчингни буздимми ҳали? Акамнинг топганини еб, семириб кетдингми? Эшак семирса, эгасини тепади, деганлари шу-да.

— Ҳаддингизни билинг, Лазокат, — муросага борди янга. — Қилиқларингиз мана бу еримга келди.

— Менга ақл беряпсанми? — ўрнидан турди Лазокат ва янгасининг сочига чанг солди. — Мен сенга ҳаддидан ошишни кўрсатиб қўяман!

Янга чидаб туролмади, Лазокатнинг қўлини қайириб ташлади. Инжиқ қизнинг янгага зўри етмади ва жон ҳолатда унинг қўлини тишлаб олди. Янга уни итариб юборган эди, қайниснинг умбалоқ ошиб йиқилди.

— Қонимга ташна қилма! — ўшқирди янга. — Тилингни сугуриб оламан ҳозир!

Можаро устига ака кириб келди. Сингил акага шикоятни бошлаган эди, ака уни жеркиб ташлади:

— Сен яхши бўлсанг, бошқалар ҳам яхши, — деди ака. — Ҳамма айб ўзингда!

Сингилнинг жиғибийрони чиқди ва акага ҳам маломат қилди:

— Хотинингиз тумшуғингиздан ип ўтказиб олганда, унинг чизган чизифидан чиқолмайсиз! — деди акасига алам билан. — Ёлғиз сингилни ҳимоя қилиш қўлингиздан келмайди!

— Шунақалигини биларкансан, сен нега эрингни саришта қилолмадинг бўлмаса? — ака ҳам аччиқ гап қилди. Лазокат мот бўлиб, писиб қолди.

Шу-шу, Лазокат муроса йўлига ўтиб, пати юлинган товуқдек сипо тортиб юрди...

* * *

Энди гапни Жонондан эшитиш вақти келди. Жонон шу кетишида Таваккал ота қабристонига борди, ота-онасининг қабри бошида тиз чўқди, бир калима Қуръон тиловат қилиб, қабр тупроғини кўзига суртди. Кейин ўпкаси тўлиб, кўзёши қилди, «узоқ сафарга чиқяпман», деб ота-онасининг руҳидан мадад сўради.

— Отажон, онажон, сизларни безовта қилганим учун узр! Бу ерлардан, яқинларимдан айрилиб, узоқ-узоқларга бош олиб кетаяпман. Ким билади, қайтиб келиш яна насиб этармикан. Мени кечиринглар, мени ҳамиша қўллаб туринглар, — деди ва бир сиқим қабр туп-

рогини рўмолчасига тушиб, ўрнидан турди.

Жонон қабристондан чиқиб, Қарғаликкача бориб, қишлоғи томон бир қараб олди-да, сўнг қоронгулик кўйнига сингиб кетди. У йўл босар экан, бир вақтлар онасининг кўксига бош қўйиб, отасининг тиззасида ўтириб эркалаганларини эслади ва қалбида хуш бир туйғу жўш уриб кетди.

Жонон Қуватошга етиб келганда, беихтиёр қадами сенинлашди. У болалигида бу жой ҳақида эшиштан эди, ичиға ваҳима тушди. «Қуватошда ёлғиз қолган кишини ажиналар қиз бола овозида чақиравмиш, орқангта қарасанг ё «ҳа» десанг, тамом, жонингдан умидингни узавер», деган гаплар бор эди. Шуларни эслаб, Жонон елкасидан бирор босгандек оғирлашди. Орқага қайтай деса, Қуватошдаги жинлар: »ҳа, қўрқдингми?» деб орқасидан қувадигандай бўлди. У ўзини ўнглаб, таввакал олдинга интилди.

Қуватош тофнинг энг баландида бўлиб, йўл Қуватошнинг ўргасидан ўтарди. Ингичка йўл, бир отлиқ зўрға сиғади. Сал эҳтиёtsиз қадам боссанг, тамом, асфала-софилинга кетдим, деявер. Жонон бу йўлни қандай босиб ўтганини билмайди. Назарида йўл уч бараварга узайиб кетганга ўхшади. Йўлнинг ҳар ўттиз-қирқ қадам ерида фор бўлиб, оғзи одам бўйи келади. Лекин бу горларга киришга ҳеч ким ботинолмас эди. Айтишларича, бу горларда жинлар яшармиш. Тофнинг баланд жойи бўлганиданми ёки ҳамиша шабада эсганиданми, фор ичидан аллақандай гувиллаган товушлар эшитилади.

Жонон хавфни ортда қолдириб, тоғдан пастга энгандга, тонг ёриша бошлади. У қанча юрди аниқ эмас, лекин қаттиқ чарчади. Нафасини ростлагани бир харсанг устига ўтирди. Қанча ўтирганини билмайди, бир пайт отнинг дупури эшитилди. Қараса, ўзидан ўн-ўн беш қадам нарида икки отлиқ турибди. Уларнинг бири отдан тушиб, Жононга яқинлашди.

— Кимсан, қаерга кетаяпсан, бу ерларда нима қилиб юрибсан? — деб Жононни саволга тутди у.

Жонон улардан сув сўради.

— Сув? Сувимиз йўқ...

— Ҳеч кимим йўқ. Мардикорликка чиқсан эдим, — деди Жонон. — Қаерга боришмни билмай, адашиб қолдим.

Кишининг кўмаги билан Жонон отга мингашди. Улар аллақанча йўл босиб, бир қишлоққа етдилар. Дарвозани хизматкор очди. Отларнинг жиловидан тутиб, ичкарига олишди. Жонон ҳовлига кириб, аллақайси бойникига келиб қолганини билди.

Эрталаб ёши ўтинқираган бир хизматкор Жононни бойнинг олдига олиб кирди. Бой басавлат, озода кийинган, мошгуруч соқоли кузалган, истараси иссиқ одам эди. Унинг исми Муродбой экан. У Жононни савимий кутиб олди.

— Яхши йигитта ўхшайсан. Кўлингдан қанақа ишлар келади? — деб сўради.

Жонон саволларга жавоб бераркан, молбоқарлигини қистириб ўтди. Бой кўпни кўрган эмасми, Жононнинг ўтириб-туришини, овқатланишини, гап-сўзини эшитиб, «бу йигит камбағалнинг боласи эмас», деган хулосага келди. Шу пайт бир-бирига қўйиб қўйгандай, икки йигит хонага кириб келди ва таъзим қилиб, уларнинг олдидан жой олди. Бир оз фурсат ўтгач, бой ҳозиргина келиб ўтирган йигитларни кўрсатиб, Жонондан сўради:

— Бу икки ака-уқанинг қай бирининг ёши катта?

Жонон уларга боқиб, пойгакда ўтиргани «укаси», юқорида ўтиргани «акаси», деб жавоб бераркан, бой яна ундан сўради:

— Қандай билдинг?

— Бой ота, ҳеч қачон ука акадан юқори ўтирганми? Ёки акадан олдин ука дастурхонга қўл узатганми? — деди Жонон.

Бой унинг зийраклигига тасаннолар айтиб, исми ни сўради:

— Исмингни айт, ўслим?

— Агар лозим топсангиз, исмимни кейинроқ айтсам, — деди Жонон.

— Майлинг, — деди бой ва эртаси кунидан барча

қўйларини Жононнинг ихтиёрига топширди ва унга гуломгардишдан эмас, алоҳида хонадан жой кўрсатди.

Жонон бошқа хизматкорлардан барвақт турар, тезда тамадди қилиб, қўйларни яловга ҳайдарди. Бойнинг буюрган ҳар бир ишини унинг таъбига монанд қилиб бажаарди.

Орадан ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бой қўраларини айланаб, Жонон боқаётган қўйларга назар ташлади ва кўзларига ишонмади. У қўйлар семизлигидан қуироқларини зўрға кўтаришарди. Бой Жононнинг хизматидан мамнун бўлиб:

— Умрингдан барака топ, ўғлим, икки дунёнг обод бўлсин! — деб дуо қилди. — Ўғлим, менга ёқиб қолдинг ва кўнглимдан бир ният кечди. Агар шу йил қўйлар қўзилаганда, нечтаси оқ тусли туғилса, ўшаларнинг ҳаммаси сеники!

— Ҳимматингизга тасанно! Кейин айниб қолмайсизми? — деб қулди Жонон.

— Сўзим сўз. Мен битта гапираман, сўзидан қайтган номард! — гапини қатъийлаштириди бой...

Жонон қўйларни кўздан кечириб, хур-хур шабадада боқиб юрган эди, осмондан қандайдир ёфду қуилиб, қўйларни ёритди. Жонон «бу ўнгимми, тушимми», деб ҳайратга тушди. Шу воқеадан кўп фурсат ўтмай, қўйларнинг учдан икки қисми оқ тусли қўзилади.

Бундан хабар топган бой яловга етиб келди ва ҳайратдан ёқа ушлади:

— Ё қудратингдан! Бу қандай мўъжиза бўлди?! Ҳана, бу Аллоҳнинг каромати!.. Кўнглинг жам бўлсин, гапим гап, оқ қўзиларнинг бари сеники, — деди бой.

Жонон мийифида қулди.

— Бой ота, мен бу қўзиларни олмайман, молингиз ўзингизга буюрсин, — деди. Бой Жононга яна бир марта қойил қолди ва яна исмини сўради:

— Ҳеч бўлмаса, энди исмингни айтарсан?

Жонон сукутга чўмди. Чунки, яқинда бойнинг маъракасида хизмат қила туриб, ўзининг ўтмиши ҳақидағи бир гапни эшитган эди. Гурунгда кимдир:

— Ким билади дейсиз, янгасига «сизни яхши кўраман», деган экан-ку, ўша йигит, — деб қолди.

— Йўғ-е, охирзамон бўляяптими? — ажабланди бошқаси. — Акаси тирик бўла туриб, янгасига тегинса? Бундай уқани баҳридан кечиш керак!

— Қизиталоқ қилғилиқни қилиб, қочиб кетганмиш. Акаси аччиқ устида хотинига «уч талоқ» деб юборибди.

— Сизлар бошқача эшитибсизлар, — дея гапга аралашди бир мўйсафид, — ундей эмас. Ўша янга, бечора йигитчага тухмат қилганмиш. Қилмиши ошкор бўлгач, aka хотинини уйидан қувганмиш.

— Ундей бўлса, ўша манжалаки баттар бўлсин! Бунақаларни тошбўрон қилиш керак!..

Жонон бу ҳангомадан кўнгли хуфтон бўлди. «Демак, ҳамма жойда биз ҳақимизда гап-сўзлар юрган экан-да, — деб ўйлади Жонон. — Ҳамма билганича қўшиб-чатиб юрибди: бирор лаънатлайди, бирор ачинади. Яхшиям бу ерда мени ҳеч ким танимайди. Йўқса, қандай бош кўтариб юрар эдим? Энди орқага йўл йўқ. Қалбим соҳибаси Руқиядан ҳам ажралдим».

Ана шу гаплардан андиша қилиб, Жонон бу сафар ҳам исмини яширди.

Буғдой ўрими маҳали, ўроқчилар етишмайди. Бой чўпонларни ҳам далага ҳайдади.

— Ўғлим, эрта эрталаб сен ҳам буғдой ўримига борасан. Икки-уч кунда айтилган ернинг буғдойини ўриб тутатсанг, тезда қўй-қўзиларинг олдига қайтасан, — деди бой Жононнинг елкасига қоқиб.

Жонон рози бўлиб, ўроғини ўткирлаб, ишни шу кечаси, ой ёруғида бошлади. Ҳўжапишиқ пирдан мадад сўраб, ишга киришди. У ўрганларини уюм-уюм қилиб кетаверди. Тонгга яқин ўзига ажратилган ернинг буғдойини ўриб бўлди-да, сўнг бир боғ буғдойни бошига ёстиқ қилиб, уйқуга кетди. Эрталаб қаватига беш йигитни олиб, далага келаётган бойнинг қўзига Жонон ўрган буғдой уюмлари гўёки далада қўй-қўзилар галаси бўлиб қўринди ва унинг жаҳли чиқди.

— Ишонган тогда кийик бўлмас, дейдилар, — деди бой ғазабланиб. — Кўраяпсизларми, Жононга эрталаб келиб тургин, ўримни бошлайсизлар, дегандим. Ҳалигача келмабди. Буғдоизор қаровсиз қолиб, қўйлар босиб кетибди!

Улар яқинроқ келишса, қўй-қўзилар эмас, гарам-фарам буғдои пояларини кўришди. Жонон эса хуррак тортиб ётибди.

— Ўғлим, сен мени яна лол қилдинг, — деди бой Жононни алқаб. — Айтгин, ота-онанг ким, исми нима, қайси элнинг боласисан?

Жонон бу сафар айтди:

— Бой ота, юртимнинг номи «Бетайин», исмим эса «Отангга лаънат».

Бой ҳар қанча қистаса ҳам Жонон сирни ошкор қилмади. У ўзича ўйларди: «Тўғри-да, уйдан чиқиб кетган бўлсам, юртим бетайин бўлса, янгамнинг туҳматидан кейин мени ҳамма «Отангга лаънат» деб эсласа, албатта юртим бетайин, исмим шунаقا бўлади-да»...

Муродбойнинг ҳуснда беназир, ёлғиз қизи бўлиб, келган совчиларга рад жавобини берарди. Қиз жуда мағрур эди. Шу сабабли бой изтироб чекар, «ёлғиз қизими ни узатсам, шунча молу дунём кимга қолади», деб қайгуарди. Бойнинг нияти — яхшироқ йигитни ичкуёв қилиб, ҳузур-ҳаловатда яшаш эди.

Тақдир-да, қиз Жононни зимдан кузатиб юрган, унга пинҳона ошиқ эди. Қизнинг қараашларига йигитнинг парвосизлиги унинг бағрини ўттарди. Бир куни қиз дабдурустдан йигитнинг олдига кирди. Жонон унга қиёҳам боқмади.

— Сизга нима керак? Нега менинг хонамга кирдингиз? — деди Жонон унга қарамасликка ҳаракат қилиб.

— Менга сиз кераксиз, сизни севиб қолдим, — деди қиз. — Отамнинг молу давлати сизга бўлсин, дегандим.

Тўғриси, тоғ боласи эмасми, қизнинг ҳусну жамолига маҳдиё бўлиб, Жононнинг томирида қон кўпирди. Қиз янада яқинроқ сурилди. Шу пайт йигитнинг димо-

ғига аллақандай хушбўй ҳид урилди ва у бирдан хушёр тортди. Бу ўша тунда, янгасидан анқиган ҳидга ўхшарди. Қизнинг шивирлаши илоннинг вишиллашига ўхшади.

— Мени тинч қўйинг, чиқиб кетинг! — деди Жонон қизни ўзидан четлатиб.

Бу қизнинг ҳамиятига тегди ва жаҳли чиқди:

— Ҳу, юрти бетайин, отангга лаънат! — ҳақорат қилди қиз. — Нимангга кериласан бунча, ялангоёқ?!

Жононнинг фуури қўзида:

— Менга бойлик керак эмас, — деди ўрнидан шаҳд туриб. — Давлатим отангникидан кам эмас. Исмим ҳам ўзимга муносиб — Жонон!

Шундай деб, Жонон бу хонадондан чиқиб кетди. Қиз бўлиб ўтган воқеани отасига айтди. Бой Жононнинг орқасидан от қўйди ва унга етиб, қайтишини илтимос қилди. Жонон кўнмади. Унинг қайтмаслигига қўзи етган бой:

— Ҳеч бўлмаса, хизмат ҳақингни олиб кетсанг-чи!
— деди.

— Қилган хизматларимга розиман, сиз ҳам берган нон-тузингизга рози бўлинг, — деди Жонон. — Агар истасангиз, ҳақимга дуо қилинг!..

* * *

Жонон Афгон юртида, бир чол-кампирнинг хонадонида паноҳ топди. У чолнинг қаровсиз қолган ерларини чопиб-сугориб, экин экди, молини боқди. Кексаликда ҳузур-ҳаловат топган чол-кампир туну кун Жононнинг дуосида бўлди. Жонон ўз уйида юргандай ҳис этди ўзини ва файрат қилиб ишлади. Қишлоқ одамлари ҳам унга ўрганиб қолди. У бўш вақтларида бошқаларнинг ҳам томорқасида ишлаб, юмушларига ёрдамлашди.

Ажойиб қунларнинг бирида шу қишлоқнинг бойи ўғлига тўй бериб, кўпкари солди. Жонон кўпкарини соғинган эди. Қани энди, саман оти бўлса-ю, кўпкари ўйнаса. У шу хаёл билан ёнидаги чолнинг отига маҳлиё бўлиб қаради. Йигитнинг қарashi чолга таъсир этди.

- Ҳа йигит, чопгинг келаяптими?
- Отингизни бериб турсангиз, чопар эдим.
- Майли, мана, баҳтингни синааб күр.

Жонон сакраб отга минди-да, шамолдай ўзини тўдага урди. Кўп ўтмай улоқни маррага келтириб ташлади. Солимга бир от ва гилам олган Жонон уларни чолнинг олдига қўйди. Чол йигитнинг мардлигига қойил қолиб, ютуқни рад этди ва уни меҳмондорчиликка таклиф қилди. Бу чол ҳам бой-бадавлат кишилардан эди.

Кун оралатиб, Жонон уникига меҳмонга борди. Бойнинг хизматкорлари уни иззат-икром билан кутиб, соясалқин боғчада қўйилган сўрида дам олиб ўтирган бойнинг хузурига бошлашди. Бой азиз меҳмонни кўриб, боши осмонга етди.

— Э, хуш келдинг, ўғлим! — деди бой ва ёнидан жой берди. «Сизларга айтган йигит шу-да», деб уни хизматкорларига таништириди ҳам. Шу пайт бойнинг ёнида ўтирган қиз одоб билан таъзим қилди-да, юзини рўмали билан тўсиб, ичкарига кириб кетди. Жонон беихтиёр, ўзи сезмаган ҳолда қизнинг орқасидан қараб қолди.

Шу куни алламаҳалгача зиёфату суҳбат давом этди. Лекин нимагадир, йигитнинг икки кўзи ичкарида бўлди, «қиз яна бир кўриниш берармикан», деган ўйхаёл уни банди этганди. Нега бунақа хаёлга берилганини билмасди Жонон. Ахир, «хотин зотига қарамайман», дегувчи эди-ку! Бу нимаси? Нечун бу қизнинг бир боқиши уни довдиратиб қўйди?

Жонон суҳбат мавзусидан билдики, бойнинг бир ўғли ва қизи бўлиб, ўғли қўшни қишлоқ йигитлари билан бўлган тўқнашувда ўлган ва бой шу ёлғиз қизига суюниб қолган. Сафарбой исмли бу бой Жононни ёқтириб қолган, ўзича «қани энди, шу йигит куёв-ўғлим бўлса», дея кўнглидан бир ниятни ўтказган экан. Меҳмондорчиликнинг охирида, Сафарбой:

— Рози бўлсанг, яйловдаги чўпон-чўлиқларим-у, ҳовлимдаги хизматкорларимга бош бўлсанг, — деган таклифни ўртага ташлади. Бойнинг қизига пинҳона

ошиқ бўлган Жонон таклифга дарров рози бўла қолди.

Кунлар ўтган сайин Жонон бу уйга қаттикроқ боғланиб борарди. Узун қиши кечаларида уйқуси қочиб, ширин хаёлларга берилар, қизни ойдек хусну жамолини ўзича кўз ўнгидаги гавдалантираси, унинг ёқимли жилмайшига ўзича жилмайиш билан жавоб берар, ўтган-қайтганда рўбарў келиб қолганларида, қизнинг ҳаё билан юзини яшириб ўтишларини эслаб, аллақандай интиқлик билан энтикиб қўярди. Тушларида ҳам қизни кўярди. Нуржаҳоннинг ҳам кўнглида Жононга нисбатан нимадир бор-у, лекин буни Жононга сездирмасди.

Жонон Нуржаҳонни боғда ёлғиз қўрди-ю, унга пешвоз юрди. Боф жуда гўзал, унданги дов-дарахтлар, анвойи гуллар кишининг баҳри дилини очиб юборар даражада эди.

— Саломатмисиз? — Нуржаҳон йигитдан олдинроқ сўроқни бошлади.

— Шукр! — Жононнинг бошқа сўзга тили айланмади.

Довдираф қолди ва гул бутогидан гул узиб, қизга тутди.

— Раҳмат, — гулни лабига босди қиз.

— Шу гулдек очилиб юринг!

— Сиз ҳам, — деди қиз ва тезда орқасига бурилиб кетди. Унинг билакдек икки ўрим сочи белида саллона ўйнардики, Жононнинг ичи қизиб кетди...

Сафарбойнинг қўшниси қизини узатадиган бўлди. Бу элда тўйлар айтишувсиз ўтмаскан. Бўйи етган қизлар норғул йигитлар билан айтишиб, бир-бирига шу баҳона дил изҳори қилишаркан. Тўй базми деган куни Нуржаҳон ийманибгина гап бошлади:

— Жонон ака, бу кечқурун Гулноранинг тўйида айтишув бўлади. Бизда одат шунаقا. Сиз ҳам қатнашинг.

Жонон бирор марта айтишувга қатнашиб кўрмаган. Унинг қандай бўлишини тасаввур этолмасди.

— Айтишувда нима бўлади? — деб сўради у.

— Байт айтилади, — тушунтирди Нуржаҳон, — қизлар бир байт айтади, шунга мос тарзда йигит ҳам жавоб қайтаради.

— Мен ким билан байт-барак қиласман?

- Танлаганингиз билан. Танлаганингиз бор чиқар?
- Бор, — дадил айтди Жонон.
- Ким экан у пешанаси ярқираган қиз?
- У — сизсиз, Нуржаҳон.
- Ёлғон айтасиз, — деди қиз ва уялибгина нари чекинди...

Базм қизигандан қизиди. Бир пайт Нуржаҳон айтиган айтишувга навбат етди. Бир йигит қўлида тугунча, байт айтиб, уни бир қизга берди. Қиз ҳам ўз навбатида байт айтиб, йигитга таъзим бажо этди. Йигит яна байт айтди, қиз яна жавоб қайтарди. Шу зайл байт-барак узоқ давом этди. Яна уч-тўрт йигит-қизнинг айтишувидан кейин гал Жононга етди.

Жонон кўп фазалларни ёддан билгувчи эди. Бу ҳақда юқорида сўз боргани эсингизда бўлса керак. У бир қадам олдинга чиқди-да, қўлидаги тугунчани Нуржаҳонга беришдан олдин, дил изҳори қилди:

Гул каби ёнган ёнофинг, чертди қалбим торини,
Сен каби рухсорага изҳор этай қалб зорини.

Ва тугунчани қиз қўлига берди. Қиз лола янглиф қизариб ерга боқди, сўнг жавоб сўзини айтди:

Инжудек сўз тердингиз, хуш келдингиз, таъзимдамиз,
Сиз билан куч бирламас, тенг бўлурмиз назмда биз.
Тўй баҳона айтишайлик, куч синашиб ушбу кун,
Чароғон айлаб кўнгилни, яйрашиб базмда биз.

Нуржаҳон қўлини кўксига қўйиб, «навбат сизга» дегандек, таъзим қилди. Жонон саволга чоғланди:

Зебо-ю, қадди суманбар, лаблари фунча мисол,
Сўзлари малҳам кабидир, қошлари худди ҳилол.
Майли эрди, эй санам қиз, мангуга этсанг таъриф,
Мен бир асиринг бўлайин, сен эса ёнимда қол.

Бу байтдан кейин қизлар қаҳқаҳ отиб қулишди. Жонон «байтим қизларга хуш келмади чоғи», деб ўйладими, Нур-

жаҳонга гал бермай, ушбу байтни айтиб юборди:

Севсангу севилмасанг, сенга олам бир қафас,
Эр йигитни сўз билан енгишлари осон эмас.
Қиз-йигит даврон суриб, ишқ бодасин нўш урсалар,
Покиза севгини, дўстлар, майли қилсинлар ҳавас.

Нуржаҳон «енгилдим» ишораси ила таъзим қилди
ва даврада шўх кулги янгради.

Шу тўй баҳона Нуржаҳон билан Жонон бир-бирла-
рига анча яқин бўлиб қолдилар. Эндиғи учрашувлар
янада ширин суҳбатларга, бундан-да гўзал байтларга
қоришиб ўтди...

Қиссамизни тинглаётганлар «Руқия нима бўлди?» деб
сўрашлари турган гап. Жонон Руқиянинг васлига етолма-
ган бўлса-да, у ҳақдаги ширин хаёлларни бир сонияга
бўлса-да, унуганий ўқ. Нуржаҳонда Руқияда бўлган ҳусну
тароват, одоб-ибо каби жиҳатларни кўргани учун ҳам
унга кўнгил берди. Биринчи севгидан зада бўлган кўнглига
таскин топди, дейиш мумкин. Яна ким билади, дейсиз.

Хуллас, икки ёшнинг ўртасидаги муносабат ота-
оналарга ҳам аён бўлди. Сафарбой ўйлаган ниятига етди
чоғи, Жононни хузурига чорлаб:

— Ўғлим, — дея салмоқлаб гап бошлади, — йигитга
ёлғизлик ярашмайди, уйланишинг, бола-чақа орти-
ришинг даркор. Агар кўз остингга олганинг бўлса, айт,
ўзим бош бўлиб, бошларингни қовуштириб қўйай. Ўғлим-
дай бўлиб қолдинг, отанг қаторидаги одамман.

Жонон ўнгайсизланиб, қизарди-бўзарди, ичидаги-
ни ташига чиқаролмай қийналди, охири:

— Суйганим бор, — деди бошини хам қилиб.

Сафарбой чўққи соқолини силаб, хавотир билан
сўради:

— Уялма, айт, суйганинг кимнинг қизи, мен таний-
манми?

— Ҳа, танийсиз... — қолганига Жононнинг тили ай-
ланмади.

— Танисам, айт, ким экан у? Кимлигини айтсанг бўлди...

— Агар рухсат этсангиз, буни синглингиз Ҳикоят холамга айтсан.

— Майли, ўғлим, менга айтишга уялсанг, бу ишинг ҳам маъқул. Кимлигини Ҳикоят холангдан билиб оламиз-да...

Ҳикоят хола Сафарбойнинг суюмли синглиси, тили ширин бўлгани билан бирга ошу овқатга уста — пазанда аёл. Болажонлиги, меҳрибонлиги, оққўнгиллиги ҳаммага бирдек ёқади. Жононга бошқача бир меҳр билан қарайди, ўз ўғлидай сужди. Жонон ҳам ўз ўрнида холани ҳурмат қиласди, бирорларга айтолмаган дардини унга айтади, маслаҳатини олади. Нуржаҳонга бўлган муносабатини айтганида, хола кўйлагига сифмай кетди. Чунки у акасининг нияти ҳам шу эканлигини биларди.

Ҳикоят бамисоли совчи мақомида акаси Сафарбойнинг хонадонига кириб борди.

— Ҳа, синглим, яхши юрибсанми, болаларинг тинчми? — деб ҳол-аҳвол сўради ака.

— Шукр, ҳаммаси яхши, — деди Ҳикоят хиёл жилмайиб. У акасини хурсанд қилиш учун юраги така-пуга эди. — Мен Нуржаҳонга совчи бўлиб келдим, ака.

Сафарбой ялт этиб синглисига қаради:

— Кимга сўраб келдинг?

— Айтаверайми?

— Совчи деган ичидагини тўкиб солади-да! Айтавер, сени қувиб солармидим.

— Жононга сўраб келдим, ака, — деди Ҳикоят акасининг юзига синовчан кўз ташлаб. Сафарбой ич-ичидан хурсанд бўлса-да, бу хурсандчиликни ташига чиқармади.

— Шунаقا де, — деди ўсмоқчилаб. — Ўйлаб, маслаҳатлашиб кўрамиз. Лекин сен ноумид бўлма...

Акаси минг яширса ҳам Ҳикоят унинг мақсадини гапсўзларидан билиб олди ва бу хабарни Жононга етказиш учун апил-тапил ўрнидан турди-да, уйи томон кетди.

Сафарбой кўп ўтмай элни йиғиб, тўй кунини эълон қилди. Айтилган куни тўй ҳам шоду хуррамлик билан ўтди. Ёшлар бир-бирининг висолига дохил бўлди...

* * *

Бектош Жонон кетгандан кейин анчагача гаранг-сиб юрди, уни не-не жойлардан сўроқламади – тополмади. Лазокат кетди, бир ўзи ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз қолди. Кўй-кўзилариға қараашга ҳам хафсаласи бўлмай, мардикор ёллади. Ош-овқатига қўли айланмай, амаки-си Рўзибойнинг болалари унга гоҳ овқат олиб келиб, гоҳ ўзини уйларига олиб кетиб юрди.

Эркакнинг яккабошлиги оғир. Бектошнинг бу аҳволда сўққабош юриши қариндошларга ҳам маломат ёғдирди. Бу маломатлардан қутилиш учун Бектошга хотин излашга тушишди. Ҳа демай, келин бўлмиш топилди. Қўшни қишлоқлик Назаркул деган кишининг Фотима исмли қизини Бектошга тушириб беришди.

Фотима кўркам бўлмаса-да, истараси иссиққина аёл, одоби мақтагулик. Иккаласи тез тил топишди ва ширин турмиш кечира бошлашди. Лазокат буни эшитиб, бир куйди, бир куйди, энди минг қилсин, жойига тушмайди. Шунаقا, ҳамманинг ёмонлиги ўзига.

Турмуши ширин, рўзгори тўқис бўлмасин, Бектош баъзида укасига қилган ноҳақлигидан куйиниб, кечалари тўлғониб чиқарди. Бир куни унинг эшиқдан кириб келишини илҳақ кутарди. Қани, ўша кун тезроқ кела қолсайди.

Кунлар ойларни, ойлар йилларни қувиб ўтаверди. Кўнгил баъзан таскин топса, баъзан хуруж қилиб, ўртнади. Лекин начора, бу – ҳаёт, бу – тақдир...

Бектош ширин турмушидан Ҳундибой, Қозоқбой, Абдумажид деган уч ўғил кўрди. Фотима соғ-саломат, болалари ва Эрига вафодор, муnis аёл...

* * *

Жонон Нуржаҳон билан жуда иноқ яшади ва тўрт ўғилнинг ота-онаси бўлишди. Нима бўлди-ю, кичик ўғил ҳеч кимга уйқу бермай, шу кечаси жуда кўп финшиди, онасига тинчлик бермади. Жононнинг ҳам кўзи илингани йўқ. Бола касал эмас, лекин нимагадир инқиллайди.

– Онаси, – деди Жонон хотини томон ўтирилиб,

худди шу йиллар ичида бир нимани кашф этгандай. — Шу ўтган эру хотинлик йилларимизда сени хўп кузатдим, лекин бирорта боламизга алла айтганингни эшигидим. Қани, бир алла айтгин-чи, зора бола ором олса.

Нуржаҳон қимтинди:

— Алла айтишни билмасам, нима қиласай? — деди хижолат тортиб.

— Алла эшитиб улғайган боланинг қалби тоза, отонага, элига меҳрли бўлади.

— Сиз буни қаердан била қолдингиз?

— Ёшлигимда Ҳожар бувим менга алла айтгувчи эди. Ақлимни танигандан кейин ҳам у бу ҳақда жуда кўп афсона-ю эртаклар айтиб берган.

— Унда алланинг бир-икки сўзини айтинг, мени уни боламнинг қулоғига қуяй бўлмаса, дадаси.

Жонон бир зум болалик йилларига қайтди: бобоси, бувиси, ота-онаси, униб-ўсган қишлоғи кўз олдидан ўтди. Ҳожар бувиси айтиб берган бир афсона эсига тушди. Ўша афсонада айтилишича, қадим замонда, жуда узоқ томонда бир золим подшоҳ ўтган экан. У подшоҳнинг зулмидан озор чекмаган одам йўқ экан. Унинг зулмидан безор юрт фуқароси жам бўлиб, «нима қилсан, бу золимнинг кўнглида раҳм-шафқат уйгота оламиз», деб бир-бирига маслаҳат солибди. Лекин ҳеч кимдан тайинли фикр чиқмабди.

Подшоҳнинг кенжা хотини фаросатда, ақлу идрокда танҳо бўлиб, камбағалпарвар экан. Шу боис кўпинча кундошларидан, сарой аъёнларидан гап эшитар, азият чекар экан. У ҳам аҳли фуқаронинг ҳолига ачиниб, уларга кўмак бериш йўлини ахтарибди. Бир куни подшоҳ уйқуда эканлигида, боласининг бешигини тебратса туриб, аллақандан бир сеҳрли овозда алла айта бошлабди. Алла сўzlари аламли, ҳасратли, отонанинг фарзандга меҳр-муҳаббати, ўтмиш ва келажак, ҳақсизлик, адолатсизлик ҳақида экан. Подшоҳнинг уйқуси қочиб, хотини айтаётган аллага қулоқ тутибди. Аёл жўшиб-жўшиб алла айтибди:

Жоним болам, айланайин, алла,

Кокилингга бойланайин, алла,
Тогда ўсган охулар-о, алла,
Учган қушга айланайин, алла.
Алла-ё, алла.
Жоним болам, ўсиб унгин, алла,
Булбул бўлиб гулга қўнгин, алла,
Ўсиб-унган қишлоғимни соғиндим-а, алла,
Хаста дилга малҳам бўлгин, алла.
Алла-ё, алла.

Туғишгандан йироқдаман, алла,
Бир кўришга фироқдаман, алла,
Хазон бўлган бир гул каби, алла,
Кундан-кунга сўлмоқдаман, алла.
Алла-ё, алла...

Юраги тошга айланган подшоҳнинг бу алла таъсиридан қўнгли ийиб, кўз ўнгидаги онаси, отаси, болалиги, ўтган ҳаёти гавдаланибди ва умри бино бўлиб, бирор марта бирорта фарзандини эркаламаган, уларнинг юзига бирор марта қиё боқмаган подшоҳ боласини бешикдан олдириб, эркалабди.

Шу куни у аллақандай хуш кайфият билан тахтга ўтирибди. Зиндандаги бандиларни озод қилибди, ўлимга хукм қилингандарни афв этибди. Ҳақиқатни билган раият маликанинг фаросатига тасаннолар айтибди, умри узоқ бўлишини тилаб, дуолар қилишибди...

Жонон ўз ҳикоясини тугатаркан, қулоғига аллақандай соҳир овоз чалингандай бўлди. Бундай қайрилиб қараса, Нуржаҳон бешик тебратиб, алла айтотибди, бола эса ором олаётиди.

* * *

Сафарбой билан аёли вақти-соати етиб фано оламидан бақо оламига риҳлат қилгач, унинг мол-давлати Жононга мерос қолди ва у табиийки, юртнинг энг бой одамига айланди. Аммо ёши бир жойга борган сари унинг юрагида туғилиб ўсган ерга, она-Ватанга бўлган

ишик аланталаниб борарди. Боломонота қишлоғини, уерда қолган яқынларини соғинарди.

У туш күрди. Түшида түққиз-үн ёшларда эмиш. Катта сув бўйида ўтирганмиш. Сувнинг нариги томонида отаси нимадандир хафа, бошини соллантириб ўтирган эмиш. Отаси уни чақирибди. «Ўғлим, сени соғиндим», дебди. Жонон унга интилибди, лекин ўртадаги сувдан ўтолмай, соҳилда у ёқдан-бу ёқча чопибди...

Жонон оҳ уриб, уйқудан уйғонди. Нуржаҳон эрининг ҳолини кўриб, безовталанди:

— Дадаси, сизга нима бўлди? Ёмон туш кўрдингизми?

Жонон бир нима демади. Нима десин, шу пайтгача айтмаган гапини айтсингми? Юртимни соғиндим, десинми?

Жонон Ватан, юрт соғинчи билан яшаётган кунларнинг бирида бойваччалардан бири ўғлини суннат қилиб, кўпкари берди. Жононнинг икки ўғели ўртага тушди, улоқнинг бари ўшаларники бўлгач, ерликларнинг фаши келди.

— Ҳой, келгиндининг улиси, қурисанг-чи ота юртингга! — деди кимдир. Бу баҳодир йигитнинг ҳамиятига тегди ва таъна қилган йигитни даст кўтариб, ерга урди. Қарашса, жанжал катталашадиган, орага оқсоқоллар кирди. Шу куни дили хуфтон икки ўғил отаси қаршисида тиз чўқди:

— Отажон, биз қай элнинг боласи? — деб сўрашди.

Жонон нима дейишини билмай, лолу ҳайрон эди. У хаёлга берилиб, чукур-чукур нафас олди ва ҳақиқатни ўғилларига айтди.

— Э, отажон, унда бу ерларда нима қилиб юрибмиз? Кетамиз ўша юртга! — деди ўғиллар бирваракайига. Ўғилларнинг шижоатини кўриб, отанинг чехраси очилди. Эртаси куни юрт оқсоқолларини йифиб, қўй сўйиб, уларни меҳмон қилди ва зиёфат охирида мақсадини уларга айтди.

— Мендан рози бўлинглар, мен ҳам сизлардан розиман, — деди Жонон таъзим қилиб. — Энди бизга жавоб беринглар, элимизга қайтсак.

Йифилганлар орасида фала-ғовур пайдо бўлди.

- Нега кетар экансизлар?
- Бир-бириңизга ўрганиб қолган әдик-ку!..
- Қуда-анда, ёру-дүстларингиз-чи?

— Бизларни ташлаб кетишга қўзингиз қиядими?...

Жонон қарори қатъий эканлигини айтгач, халқ уларга оқ йўл тилади. Юрт жамолига ташна юраклар, бир кичик карвон тузаб, карвонда Жонон, Нуржаҳон, тўрт ўғил, уч келин, бир неча нафар неваралар, беш-олти тую юк ва саноқсиз қўйлар, содиқ хизматкорлар – йўлга тушди.

Карвон Фориш тоғларига яқинлашгач, Жононнинг юраги ҳаприқиб кетди. Она-юрт томондан эсган эпкин уни масти қилган эди. Унинг кўз ўнгиде севимли Руқияси, акаси Бектош ва болалигида унга эш бўлган дўстларининг қиёфаси бир-бир гавдаланди.

Серсув, серўт, дараҳтзор билан бурканган бир ерга етганларида, Жонон карвонга дам берди. Ўтов тикиб, ерга оёқ қўйиши. Узоқ йўл мاشаққати ҳолдан тойдирган эканми, ҳаммалари уйқуга кетиши. қаровсиз қўй-қўзилар шу яқин атрофдаги экинзорга тарқалиб, бир қанча жойни пайҳон қилди. Ер эгалари етиб келиб, манзарани кўриб, жаҳлари чиқди.

— Ҳой, фафлат босган бандалар, нега экинларни пайҳон қилдингизлар? – ўшқирди улар. Жонон тезда хизматкор ва ўғилларини уйғотиб, ер эгалари билан муроса қилишни буюрди.

— Товонини тўлаймиз, – деди ўғиллардан бири. – Келинглар, отамизнинг олдида бирпас ўтиринглар.

Ер эгалари Жононнинг қаршисида ўтириши:

— Отахон, бу нима деган гап! – деди бирори. – Йил бўйи қилган меҳнатимизни кунпая-кун қилибсизлар.

Жонон мулојимлик билан гап бошлади:

— Биздан ўтган бўлса, кечиринглар, болаларим. Тово-ни мен тўлайман. Аввал бир пиёла чой ичиб, нафасла-рингни ростлаб олинглар, кейин гаплашаверамиз, – деди Жонон уларни дастурхонга таклиф қилиб. Ер эгалари Жононнинг хушмуомалигини кўриб, ҳовурларидан тушиши. Жонон меҳмон ҳурмати кўй сўйдириб, қозон остириди.

Зиёфат охирида мөхмонарларга түн ёпди ва ўзини танитмай, уларнинг насл-насабини суриштириди.

— Отамизни Бектош дейишади, — деди бирори. — Менинг исмим Ҳундидой, — кейин шеригини таништириди: — Бу — укам Қозоқбой.

Жононнинг баданига олов югарди, ҳаяжонланди. Ахир, унинг қаршисида жиянлари ўтиради-да. У ўзини босиб олиб:

— Болаларим, — деди меҳрибонлик билан, — сизлар бориб, отангиз ва қишлоқ оқсоқолларини бу ерга бошлаб келсаларингиз, уларга ҳам зиёфат бериб, уларнинг олдидаги сизларни рози қилай.

Ҳундидой ва Қозоқбой қишлоқ томон кетиши биланоқ Жонон мөхмон кутиш тараффудини кўра бошлади. Яна бир қўй сўйидириб, анвойи таомлар тайёрлатди. Гиламлар ёйиб, баҳмал кўрпачалар тўшалди.

Бир ош пишиши вақти ўтиб, қишлоқ томондан мөхмонарнинг қораси кўринди. Жононнинг хизматкорлари пойандоз ёзиб, уларга пешвуз чиқишиди. Мөхмонарларга иззат-икром кўрсатилди. Зиёфат қизигандан қизиди. Обу овқатдан кейин оқсоқоллардан бири:

— Энди ўзларини танитсалар, — деб Жононга юзланди.
— Кимсизлар, қаердан келяпсизлар, қаерга кетяпсизлар?

Жонон гапни узоқдан бошлади:

— Бир вақтлар, шу қишлоқда Ниёзбек деган бой ўтган экан. Унинг Бектош ва Жонон деган ўғиллари бўлган экан...

Жононнинг ҳикояси охирлаб борар экан, Бектошнинг кўзидан шашқатор ёш оқа бошлади ва укаси Жононни таниди, ҳаммани ҳайратга солиб, ўзини укаси томон ташлади.

— Жонон, жигарим! — деди хўнграб. — Аллоҳга шукр, диёдор қиёматда қолди, деб қўрқсан эдим! Сени изламаган, сўроқламаган ерим қолмади. Мени кечир, укажон! Гуноҳкор акангни кечир!

— Мен сизни ўша куни кечирган эдим, акажон, — деди Жонон Бектошни бағридан бўшатаркан, унинг

юзига меҳр билан боқиб. — Сизда гуноҳ йўқ, мен ёшлик қилдим, холос...

Жонон Боломонотага яқинлашаркан, болалиги ўтган гўшаларни кўриб, нохос Руқияни эслади. Хаёлида ҳали ҳам ёш, Руқия ҳам ўша — оҳу кўзлари чақнаб турган, анор юзлари қип-қизил, дуркун қиздай эди. Эридаги ўзгаришни сезган Нуржаҳон, гап нимада эканлигини билди. Чунки унга эри бир неча бор Руқия ҳақида ҳикоя қилиб берган эди.

— Руқия эсингизга тушдими? — деб сўради Нуржаҳон эридан.

— Ҳа, Нуржаҳон, уни эсладим, — деди Жонон хўрсиниб. — У мени келганимни эшитдимикан? Эшитган бўлса, не куйга тушди экан?

— Агар то ҳануз турмуш қурмаган бўлса, никоҳингизга оласизми?

— Нималар деяпсан? Орадан не-не сувлар оқиб ўтмади. Шу пайтгача турмуш қуриб, бола-чақали бўлиб кетгандир...

Жононнинг қайтиб келган дарагини эшитган қариндош-уруг, қўни-қўшни бир ҳафтача Бектошнинг остонасини босишиди. Жонон ҳовлига кириб келган ҳар бир нотаниш аёлга синчилаб қарап, «Руқия эмасмикан», деб юраги ҳапқиравди.

Келиб-кетишларнинг кети камайгач, минг истиҳола билан янгасидан Руқия ҳақида сўрашга жазм этди. Янгаси бажонудил унинг сўровига жавоб берди:

— Руқия ҳақида эшитганим бор, — деди янга оғир тин олиб. — У сизни узоқ кутди. Ҳатто унаштирилган йигитига ҳам турмушга чиқмади. Кейин ҳам уни сўраб кўп совчилар келди, «суйганим бор» деб розилик бермади. Ота-онаси ўлиб кетишгач, ёлғиз қолди. «Ёлғиз аёлнинг битта уйда бир ўзи қолиши хосиятсиз», дея қариндошлари уни касалманд бир кишига никоҳлаб беришиди. У киши ҳам кўп яшамади, икки йилдан кейин бандаликни бажо келтирди. Руқия ундан бир қиз кўрди. Эри ўлгач, шу қизга суюниб қолди.

— У ҳозир қаерда? — савол берди Жонон.

— Ўша, отасидан қолган ҳовлида, — деди янга. — Анча ўзини олдириб кўйган, касалманд.

— Уни чақиртириб келишнинг иложи борми?

— Нега иложи йўқ экан, бор, ҳозир келинимни юбортираман...

Руқия Жононнинг қайтиб келганини эшитган эди, лекин бориб кўришга истиҳола қилар, Жононнинг ўзи кириб келишини кутарди. Бектошнинг келини чақиртириб келганидан кейин, қизини қаватига олиб, Бектошникига чиқди.

Жонон меҳмонхонада ўтиради. Эшикдан соchlари оқарган, бели букчайган, юзларига қат-қат ажин тушган кампир бир қиз етовида кириб келганда, рости Жонон аввалида танимади. Кўз кўзга тушгач, бу Руқия эканлиги аён бўлди. У Руқия билан илк учрашгандаги дек, тили калимага келмай, довдираb ўрнидан турди.

— Ё алҳазар, сен ўша Руқиямисан?

Аёл ерга қараганича бош иргади. Ҳар қандай қайғуга бардош бера оладиган Жононнинг бу муштипар, вафодор аёл қаршисида кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

— Руқиям, сенинг олдингда мен бир умр қарздорман. Сенинг тақдирингдаги кўргиликлар учун жавобгарман. Ҳар бир ишнинг охири баҳайр бўлсин. Ҳали ҳам олдимизда яхши кунлар кўп. Айт-чи, бу сенинг қизингми, исми нима?

Аёл бош иргаб қизининг исмини айтди:

— Раҳима.

Руқия ўтирганида янада букчайиб ўтиради, унинг қарапашларида «менинг шу ҳолга тушишимга сен айбдорсан», деган ифодани уқиш мумкин эди.

— Руқия, на илож, тақдиримиз айро бўлди. Мусофир юртларда қанча кезмайин, ҳар доим сен ёдимда бўлдинг... Қизинг неча ёшда?

— Ўн еттига кирайти, — чуқур хўрсаниб жавоб берди аёл. Уларнинг суҳбат мавзуси ўзи ҳақида бораётганини сезган қиз ташқарига чиқиб кетди.

Жононнинг ҳали-ҳамон барваста, мош-гуруч соқоли ўзига ярашиқли эди. Қимматбаҳо матодан тикилган

чакмони уни янада салобатли күрсатарди. Ҳозир икка-ласининг олдига кириб келган бегона одам, она-бала сухбатлашиб ўтирибди, деб хаёл қиласди.

— Кенжә ўғлим Нодирбек ўн тўққизга кирайпти. Ҳали уйлантирганимиз йўқ. Онам раҳматининг нияти рўёбга чиқиб, руҳи шод бўлсин. Агар қизингни боши очиқ бўлса, келин қилайин.

Аёл бундай таклифни кутмаган шекилли, бир зум Жононга қараб қолди. Унинг юзидан бирор бир маънони уқишиш қийин. Лекин у бу таклифдан унчалик хурсанд эмас эди. «Бир вақтлар уйланаман деб мени шу куйларга солдинг. Энди қизимга қандай оғиз солаяпсан? Сизлар бизнинг тенгимиз эмас-ку, мени тинч қўйинглар», деб қалби нола чекарди.

— Йўқ, йўқ, — бошини сарак-сарак қилди аёл. — Бўлмайди, тенг-тенги билан деган гап бор. Эртага қизимни «пастсан» деб камситишларига чидолмайман.

— Руқия, янганг жуда мулоҳазали аёл. У сен ҳақингда билади. Ҳеч қачон қизингни хафа қилдириб қўймаймиз. Ўғлим ҳам одобли, гарчи бадавлат бўлсак-да, камтар йигит. Иншооллоҳ, улар баҳтли бўлади. Биз эришолмаган орзуларга фарзандларимиз етади.

— Мен нима ҳам дер эдим. Отасининг укалари бор. Ўшалар нима деса шу бўлади. Ҳозиргача мен уларга суюниб яшадим. Қизимнинг ихтиёри қайниларимнинг қўлида, — деди аёл кутилмаган таклифдан эсанкираб.

— Хўп, эртага совчи юбораман. Ҳаммаси яхши бўлади! — Жонон аёлнинг қаршисида гуноҳкордек ўтирас, нима деб унинг кўнглини кўтаришни билмасди. Бир неча сониялик хижолатпазлиқдан сўнг, Жонон мавзуни бошқа томонга буриб юборди...

Қиссамиз яхшилик билан тугади. Раҳима билан Нодирбекнинг тўйи етти қишлоққа овоза бўлди. Жонон ҳовли-жой қилди, неваралар қучоғида қарилик гаштини суриб, муродига етди.

Азиз ўқувчи! Бўлиб ўтган воқеалар ҳақиқатан ҳам яқин ўтмишда, Фориш томонларда бўлиб ўтган. Но-дирбек билан Раҳимадан Элқул, Шомурод исмли ўғиллар туғилган. Булардан туғилган фарзандлар ҳозирги кунда Жиззахнинг Фориш ва қўшни Сирдарёнинг туманларида эл-юрт хизматида бўлиб, умргузаронлик қилмоқдалар.

Адабий-бадиий нашр

Ҳалима Маликова

ИККИ ҚАЛБ ҚИССАСИ

Қисса

Масъул мұхаррир *Мұхаммад Ислом*

Мұхаррир *Илхом Зойир*

Дизайнерлар *А. Сулаймонов, Н. Зокиров*

Техник мұхаррир *Татьяна Смирнова*

Мусаҳҳих *Доно Түйчиева*

Компьютерда саҳифаловчы *Зарифа Маннолова*

Муқовада мусаввир *Ортиқали Қозоқов*

расмидан фойдаланилди.

ИБ № 4560

Босишига 02.08.07 й. да рухсат этилди. Бичими $84 \times 108^1 / _{32}$.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 3,78 шартли босма тобоқ.
5,0 нашр тобоги. Жами 1000 нұсха. ...рақамли буюртма.
99–2007 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий күчаси 30.
100128. Тошкент, Усмон Юсупов күчаси, 86.

Бизнинг сайт: www.iptdgulom.uz